ҒАФУР ҒУЛОМ
НОМИДАГИ
БАДИИЙ АДАБИЁТ
НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ 1971

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нодира

иккн
жилдлик

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нодира

иккинчи жилд

I китоб

ДЕВОН

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

Тартибловчилар:
МАҲБУБА ҚОДИРОВА ВА АБДУЛАҲАД АЗИЗОВ (Аввал)

Муҳаррирлар:
МУНИРХОН МУИНЗОДА ВА РУСТАМ ҚОМИЛОВ

Ўз I
73

НОДИРА.

Асарлар. 2 жилдлик. Ж. 2. 1 китоб Т., Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1971.
Ж. 2. Девон. (Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Маҳбуба Қодирова. Муҳаррирлар: М. Муинзода ва Р. Комилов.). 488 бет. Тиражи 25000.

Надира. Сочинения в 2-х томах. Т. 2. кн. I

Уз I

Индекс 7-4-3

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕБОЧА

...Аммо баъд бар замоири улул-абсор пўшида намонад ки некўтарини хисол ва хуҷастатарини аҳвол шуғли адои мазомини рангин ва маонии дилнишин аст, ки фитрати олӣ дар тараддуди ӯ ночор аст.

На бо касби ҳавас созад, на бо саъи ҳунар печад,
Табиат чун расо афтад ба маънӣ бештар печад.

Аз ин сабаб шаҳриёри комкор, хоқони Ҷамшидиқтидор, офтоби кишвари иззату ҷалол... Саид Муҳаммад Умар подшоҳ, (наввара марқадаҳу) пас аз фароғи иқтидори иқлимгирӣ, кишварситонӣ умри гаронмояро масруфи ашъорҳои дилпазир намуда аз табъи арҷуманд, иншо ва таснифи девон карда ба атрофу акнофи замона машҳур ва мунташир гардонид, таърифи он ҳоҷат ба баён на, ва тавсифи он мақдури забон на, ногоҳ дар он овон сарсари қазо ниҳоли вуҷудашро бо ҳама тозагӣ ва раъноӣ дар хазонободи нестӣ маъдум ва нопадид намуда арсаи айёмро аз ашки хунин лолазори мотам гардонид.

Дар ин мусибат манкуҳаи мастураи марғубаи ӯ ва афифаи дилпазири маҳбубаи ӯ, ҳиҷлонишини пардаи иффат

www.ziyouz.com kutubxonasi

ва салтанат паноҳӣ сояпарварди хаймаи ҳашмату подшоҳӣ, гавҳари муҳити насабу камол, дурри ноёби садафи иззату иқбол, дар шеваи фуқаропарварӣ мусалламаи хосу ом, дар идрок ва машқи ашъори дилпазир заифае (буд) беҳтар аз ҳазор марди хирадманд; авсофи ҳамида ва хислатҳои некӯи ӯ аз ҳад афзун ва аз шумор берун буд. Лекин ин ғуломи намакхорро, азон мастураи ҳарами иффат аз ин бисъёр сухан гуфтан аз адаб дур буд, мухтасар намудем. Хулосатул-калом он тоҷун-нисо мухаддараи пардаи иззату уло, гоҳе ба ҳасаби хушии авқот аз табъи олӣ машқи шеърҳои рангин мекард, дар андак авқот ғазалҳои бисъёр ҷамъ гардида, ба фармони олии ӯ он ашъор дар ин маҷмуа ҷамъ намуда шуд.

Асоси иззату фазлу шараф марҳуни бунёдаш,
Саропо маънии лутфи накӯй буда әҷодаш.

Ба андак рӯз ҳосил кард ин фазлу маонйро,
Намедонам чӣ хислат буд дар табъи худододаш.

Чу мехоҳӣ, ки аз фазлу камолаш бохабар бошӣ,
Тааммул соз бар мазмуни шеъри табъи озодаш.

Ба савобдиди ғуломони маънописанд ва ходимони фитрат баланд, тахаллуси он гавҳари мастураи садафи иффат ва ҷаҳонпаноҳӣ Макнуна муқаррар ва муайян гардид.

Ин ном шуд ба шеър нишони баёни ӯ,
Оре, тахаллусест мувофиқ ба шони ӯ.

Иқбол ёфт фаҳми маонӣ зи фитрataш,
Равнақ гирифт шеър ба давру замони ӯ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЕБОЧА

...Аммо баъд донишманд кишилар кўнгилларига маҳфий қолмасинким, рангин мазмунлар ва ёқимли маънолар билан шуғулланиш энг яхши хислат ва олижаноб фазилатлардандирки, олий табиат ва юксак фитрат уни таъриф қилишдан ожиздир.

Нозик табиатли кишилар орзу-ҳавас, касбу ҳунарга қарамасдан, мазмундор маъноли сўзларга кўпроқ чирмашадилар.

Шу сабабли улуғ мақсадли шаҳриёр, хоқони Жамшид иқтидор, иззат ва улуғлик мамлакатининг қуёши... Саййид Муҳаммад Умар подшоҳ (қабри нурли бўлғай) мамлакат ишларидан фориғ бўлиб бир муддат, бахтли кунларда қимматбаҳо умрини ёқимли ва ширин-ширин шеърлар ва ғазаллар айтишга сарф қилди. Азиз табиатидан чиқариб иншо ва тасниф қилган девонлари ўз замонасида атрофга ва чет элларга машҳур бўлиб тарқалди. Унинг таърифининг баёнига ҳожат йўқ ва таснифини қилишга тил ожиздир.

Шу замонда, тўсатдан тақдирнинг қаттиқ ели унинг вужуд ниҳолини шундай чиройлилиги ва тозалиги билан йўқлик хазони ичига кўмди ва замон майдонини қонли кўз ёшлари билан мотам лолазорига айлантирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шу мусибат чоғида унинг ёқимли мастураси, никоҳли рафиқаси, иффатли маҳбубаси, салтанат паноҳида ва ҳашамат чодирида тарбия топган насаб ва камол денгизининг гавҳари, иззату иқбол садафининг дурри ноёби, фуқаро ва халқпарварлик ишида катта-кичикка мусаллам бўлган (зот) ёқимли ва ширин-ширин шеърлар ёзиш ва тушунишда минг ақлли эркаклардан ортиқроқ бир хотин эди. Унинг яхши хислатлари ва мақтовга лойиқ сифатлари ҳаддан зиёда ва саноқдан ташқаридир. Лекин, тузини кўп ичган менингдек қулга, ул иффат ҳараминнинг мастураси тўғрисида бундан ортиқ кўп сўзлаш адабдан узоқ бўлгани сабабли, сўзимни қисқартирдим. Хуллас ул хотинлар тожи, иззат ва улуғлик парданишини баъзи-баъзида, хурсандлик ва юрак ўти алангаланган чоғларда, олий табиатидан турли-туман рангдор шеърлар ёзар эди. Озгина вақтда унинг кўп пароканда ғазаллари йиғилиб қолди. Шунинг учун унинг олий фармони билан у шеърлар шу «мажмуа»да жамъ ва дарж қилинди.

Унинг ғазаллари иззат, фазл, шараф асосига қурилган бўлиб,
унинг ижодкорлиги бошдан-оёқ яхшилик ва тозаликдан иборатдир.

У оз кунда шундай фазилатларни ҳосил қилди,
худо берган табиатида қандай хислат борлигини билмай қолдим.
Агар фазилатидан хабардор бўлишни истасанг,
унинг озод табиатидан чиқариб ёзган шеърларини чуқур ўйлаб кўр!

Чуқур маъноларга, шеър ва адабиётга тушунадиган қуллари ва табиатлари юқори хизматчиларининг маслаҳат-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лари билан ул иффат ва жаҳон садафининг мастура гавҳарининг тахаллуси «Макнуна»[1] деб муқаррар этилди.

Шеърда бу ном унинг баёнига кўрсаткич бўлди, албатта унинг шаънига бу тахаллус мувофиқдир.

Унинг зийраклигидан фаҳм ва мазмунлар иқбол топди, унинг даврида шеър ривожланди.

Мана шундай қилиб кўп нарсаларни ўз қулларига ато қилувчи тангрининг ёрдами билан девоннинг сўз боши (дебочаси) тугади.

[1] Махфий, яширинган маъносида.

www.ziyouz.com kutubxonasi



ҒАЗАЛЛАР

* * *

Интизорам бар ту, эй сарви хироманам, биё,
Ҷон ба каф истодаам, бархез ҷононам, биё.

Чанд аз нозу тағофул тунд меронӣ саманд,
Мардумӣ кун пой неҳ-дар чашми ҳайронам, биё.

Субҳи васли ман зи хуршеди ҷамолат нур дошт,
Шоми ҳиҷрон тира шуд, эй моҳи тобонам, биё.

Бе ту дар кунҷи надомат дарди ҳиҷрон мекашам,
Вораҳон, эй сарви ноз, аз дарди ҳиҷронам, биё.

Чашми хоболуди ман роҳат надорад бе рухат,
То биёсояд даме мижгон, ба мижгонам биё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй сарви хирмоним, мен сенга интизорман, кел, эй жононим, жонимни кафтимда тутиб турибман, кел!

Қачонгача нозу тағофул билан отингни қамчилаб ўтиб кетасан, кел, одамгарчилик қилиб, ҳайрон кўзларимга оёғингни қўй.

Висол тонгим жамолинг қуёшидан нурли эди, ҳижрон шомим қорайди, эй ой юзлигим, кел!

Сенсиз ҳасрат-надомат бурчагида ҳижрон дардини тортаман, эй сарви нозим, бу ҳижрон дардидан мени озод қилгали кел.

Сенинг юзингсиз бу уйқусираган кўзларимда роҳат йўқ, киприкларим юмилиб бир нафас дам олсин, кипригим узра кел.

Эй ноз баҳори, сен кетганинг учун (кўйлагим) ёқамдан этагимгача боғ гуллари янглиғ чок-чок бўлди, кел!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй баҳори ноз, чун гулҳои боғ аз рафтанат,
Чок-чок аст аз гиребон то ба домонам, биё.

Сарви дилҷӯят гар аз гулзор домон мекашад,
Дар риёзи ҷӯйбори дида биншонам, биё.

Чашми ҳайронам пари товус иншо мекунад,
Ҳамчу гул бепарда, эй рашки гулистонам, биё

Аз хаёли зулфи ту Макнуна пур ошуфта аст,
Соате бар пурсиши ҳоли паришонам, биё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар дилга ёқимли сарв қоматинг, гулзордан этак тортар экан, кўзим боғининг ариқчаси лабига ўтқазай, кел.

Ҳайрон кўзларим товус парининг нишонасидир, эй гулистоним рашки, гул каби бепарда кел.

Макнуна вулфинг хаёлидан ғоятда паришондир, бир соатгина унинг паришон ҳолини сўрмоқ учун кел!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй сарви ноз, тунд марав, сӯи ман биё,
Доғ дилам шукуфта, ба сайри чаман биё.

Мавзун қадон ба тарфи чаман карда анҷуман,
Эй сарви хушхиром, дар ин анҷуман биё.

Шуд дар раҳи ту дидаи канъониён сафед,
Аз Мисри ноз, Юсуфи гулпираҳан биё.

То чанд талхком ба ҳаҷри ту эистан,
Шаҳдам чашон аз он лаби шаккаршикан, биё.

Оинаи хаёл ба сайқал расондаам,
Дар интизорам, эй санами симтан, биё.

Фориғнишин ба булбулу тӯти дар ин чаман,
Кай гуфтамат ба сӯҳбати зоғу заған биё?

Дар кунҷи ҳаҷр нест чу Макнуна тангдил,
Эй ҷилваат баҳортирози чаман, биё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй сарви ноз, аччиғланиб кетма, мен томон кел,
дилим доғлари гулдек очилди, бу чаман сайрига кел.

Қадду қомати келишган гўзаллар чаманда мажлис
қурганлар, эй хушхиром сарв, шу мажлисга кел.

Йўлингга кўзларимиз канъонлик Яъқуб кўзидек
интизорликда оқарди, эй гул кўйлаклигим, Юсуф каби ноз
мисридан кел.

Қачонгача ҳажринг аччиғлиги билан ҳаёт кечираман,
у шакар лабларингдан бир бол тотитмоқ учун кел.

Хаёл ойинасига сайқал бердим, эй
кумуш танли гўзалим, интизорман, кел.

Булбул-тўтиларнинг овози билан бу чаманда фароғат
қилиб ўтир, зоғу зағанлар суҳбатига кел деб айтганим
йўқ-ку!

Ҳижрон бурчагида Макнунадек тангдил бўлган киши
йўқ, чаманларни баҳор қилувчи жилванг билан кел.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бе ту месӯзад дили вайрони мо,
Пой нех дар дидаи ҳайрони мо.

Ҷайби ҷони мост дар дасти ғамат,
Ваҳ, чи мехоҳад ғамат аз ҷони мо?

Чун гули садбарг дар боғи ҷунун,
Аз гиребон чок то домони мо.

Мо кабоби оташи ишқи туем,
Мечакад хуноб аз мижгони мо.

Қиссаи Фарҳоду Маҷнун нусхаест,
Аз варақҳои гули девони мо.

Авҷи истиғно мақоми нози ӯст,
Кай расад дар гӯши ӯ афғони мо?

Мову васфи ҳусни он гулчеҳра нест
Ғайр аз ин, Макнуна, дар девони мо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бизнинг вайрон кўнгулларимиз сенсиз ўртанади,
ҳайрон кўзларимизга қадам қўй.

Жонимиз ёқаси ғаминг қўлида, ажабо, бу ғаминг
жонимиздан нима истар экан?

Жунун боғида садбарг гулидек ёқамиз этагимизгача
чокдир, биз сенинг ишқинг ўтининг кабоби,
киприкларимиздан хуноб(сел) имиз тўкилмоқда.

Фарҳоду Мажнун қиссаси бизнинг девонимиз гулли
варақларидан бир нусхадир.

Нозининг мақоми — истиғно авжидир, афғонимиз
унинг қулоғига қандай етсин.

Бизнинг ишимиз фақат ўша гулчеҳра васфини
қилишдир, эй Макнуна, бундан бошқа нарса бизнинг
девонимизда бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бегонаро чӣ суд зи пайғоми ошно,
Дилро ҳузур мерасад аз номи ошно.

Ҳарчанд масти бодаи бегонагӣ шудӣ,
Санги ҷафо мазан, машикан ҷоми ошно.

Сайди каманди ҳийлаи бегонагон машав,
Гар мурғи зиракӣ, макан аз доми ошно.

Дорӣ ҳавои улфати бегона машрабон,
Оҳуи чашми ту нашавад роми ошно.

Хуршеди ман зи хона ба вақти саҳар барой.
Машъалфурӯз шав ба лаби боми ошно.

То сими соидат нашавад з-остин бурун,
Кай пухта мешавад тамаи хоми ошно?

Макнуна, зери чарх умеди вафо макун,
Андар нигини даҳр мачӯ номи ошно!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ошнонинг саломидан бегонага нима фойда? ошнонинг номидан дилга ҳузур етади.

Бегоналик бодасидан ҳар қанча маст бўлсанг ҳам, жафо тоши билан ошно жомини уриб синдирма.

Бегоналар ҳийласининг камандига илинма, зийрак қуш бўлсанг, ошно тузоғини узма.

Сенда бегона машрабларга улфат бўлиш ҳаваси бор, кўзинг кийиклари ошнога ром бўлмайди (ўрганмайди)

Эй қуёшим, саҳар вақтида уйингдан чиқиб ошно томи лабига шуъла ташла.

Кумуш билакларинг енгдан чиқмагунича ошнонинг хом тамаи пишмайди.

Эй Макнуна, бу фалакнинг тагида вафо умидини қилма, замон муҳридан ошно номини ахтарма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нанмуд чеҳра бас ки маҳи осмони мо,
Чун шамъ зад забонаи оташ ба ҷони мо.

Не тоқати назораву не тоби гуфтугӯ,
Ҳайрат нашаста аст ба чашму забони мо.

Ё раб, зи боғи умр набурдем бӯи айш,
Кай мешавад тамом ғами ҷовидони мо?

Эй боғбон, ба боғ махон доғи дӯстро,
Набвад ба ғайри ҷилваи ӯ бӯстони мо.

Аз баски дарди ишқи ҷаҳонсӯз доштем,
Ишрат нагашт гирди дили нотавони мо.

Лофи гудози дил мазан, эй лола, пеши ту
Маълум нест шӯълаи доғи ниҳони мо.

Макнуна, манъи кори ҷунун аз хирад маҷӯй,
Дар роҳи шавқ ақл нагирад инони мо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Осмонимиз ойи кўп вақтдан бери бизга чеҳра
кўрсатмай, жонимизга ўт ёқиб, шамъдек алангалантирди.

Бизда қарашга ҳам, сўзлашга ҳам мажол қолмади,
кўзимизни ҳам, тилимизни ҳам ҳайронлик қамагандир.

Эй тангри, умр боғида айш ҳидини ҳидлай
олмадик, бу абадий ғамимиз қачон тамом бўлар экан?

Эй боғбон, боққа дўстнинг доғини (фироқини)
чақирма, бўстонимизда унинг жилвасидан бошқа
(нарса) бўлмасин.

Кўнглимизда жаҳонсўз ишқ борлигидан нотавон
дилимиз атрофига айш-ишрат йўламади.

Эй лола, дил куйишлик лофини урма, бизнинг
яширин доғимиз шўълисини сен билмайсан.

Эй Макнуна, ақлдан жунун ишларидан қайтаришни
ахтарма, чунки шавқ йўлида ақл йўлимизни тўса
олмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

• • •

Хун шуд зи дарди ишқ дили нотавони мо,
Ин нукта равшан аст зи ашки равони мо.

Парвардаем мо зи барои ғами ту ҷон,
Гар сад ҳазор ғам бифиристӣ ба ҷони мо.

Умрест ҷуз вафо ба ҷафоят накардаем,
Эй санғдил, дигар чи куни имтиҳони мо.

Бигзашт даври қиссаи Маҷнуну Кӯҳкан,
Мансух гашт он сухан аз достони мо.

Ишқи баланд нанги дурангӣ намекашад,
Гар дил азони ёр бувад, ёр азони мо.

Бо мо нагашт талхии айём коргар,
Дорад илоҷ ои бути ширин забони мо[1].

[1] Охирги байти йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нотавон кўнглимиз ишқ дардидан қон бўлди, кўздан оққан қон ёшимиздан бу нукта равшандир.

Жонимизга юз минг ғам юборсанг ҳам, бу жонни сенинг ғамингни тортиш учун парвариш қилганмиз.

Жафоларингга бир умр вафо кўрсатишдан бошқа иш қилмадик, эй тош кўнгил, яна бизни қандай имтиҳон қиласан?

Мажнун ва Фарҳод қиссаларининг даври ўтди, у сўзлар бизнинг достонимиз олдида эътибордан тушди.

Баланд ишқ икки юзламалик маломатига дучор бўлмайди, агар кўнгил ёрники бўлса, ёр бизникидир.

Замона аччиқликлари бизга таъсир кўрсата олмайди, ширин забон жононимизда унинг иложи бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дӯстон, норед бар лаб номи ҷонони маро,
Мафканед оташ ба ҳарфе, ҷони сӯзони маро.

Чун катон сад пора месозад диламро моҳтоб,
Баски меорад ба хотир моҳи тобони маро.

Хок гардад гулшану барбод гардад ҳосилаш,
Гар наорад дар назар сарви хиромони маро.

Ишқ охир қисмати ҳолам ба расвой гирифт,
Сарнавиштам кард ин чоки гиребони маро.

Ёр дар ҷамъияту толеъ ба ин ошуфтагӣ,
Кист то раҳм оварад ҳоли паришони маро?

Дар ғамаш аз гиръя кори ман ба хунрезӣ кашид,
Бохабар созед зуд он ёри хандони маро.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй дўстлар, жононим номини тилга олманглар, шу бир ҳарф билан куйган жонимга яна ўт солманглар.

Осмондаги ой кўзимга кўрингач, ой юзли ёримни эслатиб, дилимни катон матоидек юз пора қилади.

Сарви хиромонимни кўз олдига келтирмаса, гулшан тупроққа айланиб, ҳосили кўкка соврилади.

Ишқ охир менинг қисматимни расволикка тортди, бу ёқаси йиртиқлик азалдан менинг пешонамга ёзилгандир.

Ёр хотиржаму менинг толеим паришондир. Шу паришон ҳолимга раҳм қилувчи киши бормикин?

Унинг ғамида йиғлашдан ишим (кўздан) қон тўкишдир, у хандон ёримни шу ҳолимдан тезроқ хабардор қилинглар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дар раҳи ғурбат надорам моили улфат касе,
Кист ғайр аз хор гирад тарфи домони маро?

Гӯиё Макнуна шоми бахти ман бе субҳ буд,
Рушноӣ нест эулматҳои ҳиҷрони маро.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ғариблик йўлида мен билан улфат бўлишга ҳеч
кимнинг майли йўқ, этагимни тикандан бошқа тутадиган
ким бор?

Эй Макнуна, бахтим шомининг тонги йўқ шекилли,
бу ҳижроним зулматига равшанлик йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй гашта даври наргиси масти ту ҷоми мо,
Кайфияти нигоҳи ту айши мудоми мо.

Бетолей нигар ки ҷаҳон аст шоду лек,
Ишрат ба даври чашми ту бошад ҳароми мо.

Ҳаққи вафо ки талхии ҳичрони мо расон,
Эй боди субҳ, бар бути ширин каломи мо.

Мо ҳам зи хайли хокнишинони он дарем,
Бар посбони ӯ, кӣ расоҳад саломи мо?

Чун мо нахонда Вомиқу Маҷнун зи дарси ишқ,
Хатм аст гуфтугӯи муҳаббат ба номи мо.

Дар мулки ҳусн гарчи ту шоҳӣ, забун магир,
Иқлими ишқ гашта мусаххар ба коми мо.

Даврон — забуну ёр — ситамгору бахт — дун,
Дигар куҷо расад ҳаваси фикри хоми мо?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Маст кўзинг атрофида қўлдаги жомимиз айланади,
боқишларинг кайфияти бизнинг абадий айшимиздир.

Бахтсизликни кўргинки, жаҳон кўзингдан шоду,
лекин кўзинг шароби даврасидан бизга айш-ишрат ҳаром.

Эй тонг шамоли, вафо ҳақи, ҳижрон аччиғлиқларин
тортганимизни у ширин сўз жононга етказ.

Биз ҳам ўша эшик тупроғида ётканлардanмиз, унинг
пойлоқчиларига бизнинг саломимизни ким етказади.

Вомиқ ва Мажнун ишқ дарсини бизчалик ўқий
олмадилар, муҳаббат сўзи бизнинг номимизга хатмдир
(номимиз билан тамом бўлди).

Гарчанд сен ҳусн мулкининг шоҳи бўлсанг ҳам, бизни
кам кўрма, ишқ мулки бизнинг мақсадимизга бўйсунган.

Даврон — пасткаш, ёр — жафокор, бахтимиз қора,
шу аҳволда бизнинг хом фикрларимиз қаерга етади?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҷон меканему бӯи муроде намерасад,
Як бор ҳам нагашт фалак бар мароми мо.

Макнуна хок бар сари даврону айши ӯ,
Хун шуд насиби соқии қисмат ба ҷоми мо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз жон чекамизу мақсад ҳиди димоғимизга етмайди
бу фалак бир марта ҳам бизнинг мақсадимизча
айланмади.

Эй Макнуна, бу давр ва унинг айшу ишратининг
бошига тупроқ ёғилсин, бизнинг жомимизга қисмат
соқийсидан қон насиб бўлди, холос.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй бод, бар ви талхии ҳиҷрон паёми мо,
Шояд ки бишнавад бути ширинкаломи мо.

Маҷнуну мо ба роҳи ҷунун гом мезанем,
То номи ишқ хатм шавад бар кадоми мо?

То ҳашр з-он вамин гулу шамшод сар кашад,
Ҳарҷо гузашт сарвқади хушхироми мо.

Мехостем сӯзи дилу синаи хароб,
Охир ҷафои ишқ баровард коми мо.

Умрест ав ғубори дараш сурма орзуст,
Бар остони ӯ, кӣ расонад саломи мо?

Шабҳо чу шамъ дуд баровард аз ҷигар,
Ё раб, ви ҳаҷри ӯ кӣ кашад интиқоми мо?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй тонг ели, биз каби ҳижрон аччиқликларини тортаётганлардан салом етказ, шоядки у ширин сўз жононимиз эшитса.

Мажнун билан биз жунун йўлида югурамиз, ишқ қайси биримизнинг номимизга хатм (насиб) бўлар экан.

Қаердан у хушхиром сарв қоматлигимиз ўтса, ўша ерда қиёматгача гул билан шамшод унадя.

Биз дилнинг куйиши ва сийнанинг хароблигини истардик, шунинг учун охир бизни ишқ жафоси мақсадимизга етказди.

Бир умр унинг остонаси тупроғини сурма қилиш орзумиз эди, унинг остонасига саломимизни ким етказар экан?

Кечалари унинг ҳажри жигаримиздан тутун чиқаради, эй тангри, унинг ҳажридан ўчимизни ким олиб беради?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моро махон ба маҳфили ишрат ки белабаш,
Заҳроба аст рашҳаи айши мудоми мо.

Макнуна ҳам зи хокнишинони кӯи ӯст,
Боди сабо, расон ба саги ӯ паёми мо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизни айш-ишрат мажлисига чақирма, унинг лабисиз айш-ишрат майи бизга заҳардир.

Макнуна ҳам унинг кўйи тупроғида ётканлардандир, эй тонг ели, унинг итига бизнинг саломимизни етказ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй зи мижгон чашмҳоят теғ дар дасти ҷафо,
Бо ҷафоҳои ту некӯ бастаам аҳди вафо.

Қоматат сарви чаманпӯш аст аз сомони ноз,
Ҳар ду рухсорат гули сурх аст аз ранги ҳино.

Аз нишоту ҳасрати худ нестам андешнок,
З-он ки хотир бо хушиҳои ту хуш бошад маро.

Ҷуз зи кӯи дӯст натвон доштан чашми мурод,
Ҳарчи меояд ба кори банда бошад аз худо.

Саъй номанзуру даврон дуну афғон беасар,
Раҳм кун, ё раб, барои ҳалли мушкилҳои мо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй кўзлари киприклардан жафо тиғи тутиб турган
жонон, сенинг жафоларингга вафо қилиш аҳдини маҳкам
боғлаганман.

Эй қомати ноз матоларидан чамандек кийинган
сарв, икки юзинг ҳиноий (ол) рангдан гўёки қизил гулдир.

Мен ўзимнинг хурсандчилик ва ҳасратимдан андиша
қилмайман, чунки хотирим сенинг хурсандчилигинг
билан хушдир.

Дўст кўйидан бошқа жойдан муродга кўз тутиш
мумкин эмас, бандanинг иши учун ҳар нарса келса,
у худодандир.

Ҳаракатларимиз эътиборсиз, даврон паст,
афғонимиз асарсиздир, эй тангри, мушкулларимизни
осон бўлиши учун раҳм қил!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гар бипардозад ба ҳоли аҷз қудрат дур нест
Муждаи бахшоише, уммедворони туро.

Ҷустуҷӯи олами асбоб некӯ равшан аст,
Домани лутфи ту бас бошад ба чашми илтиҷо.

Бар дараш Макнуна аз бе ҳосилӣ навмед нест,
Бегумон мавқуфи хизмат нест лутфи Кибриё.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизнинг ожизлигимизни қудрат эътиборга олса ажаб эмас, сен умидворларингга лутфу карам муждаси (хушхабари)ни етказ.

Бу борлиқ дунёсининг ҳаракати равшандир, илтижо кўзига фақат лутфу марҳаматинг этагини тутиш кифоя.

Унинг остонасида Макнуна ўзининг беҳосиллигидан ноумид эмас, кибриёнинг лутфу марҳамати хизматга қаратилган эмас, бу шубҳасиздир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй сабо, пайғом деҳ бар ёри бепарвои мо,
К-аз ғамаш як қатра хун гардид сар то пои мо.

Дар хаёли хандаат шабҳо ки хоби мо рамид,
Халқро дар гиръя кард афғони қонфарсои мо.

Умрҳо шуд дар гудози ҳасратат хӯ кардаем,
Чун самандар оташи сӯзанда омад қои мо.

Чарх — золим, ёр — бепарвову толеъ — вожгун,
Вой бар маҳрумии ҳоли қунунпаймои мо.

Шиква аз айём чун созем к-аз ёди бутон
Дар бало афканд моро ин дили расвои мо.

Эй мурувват, об шав аз бевафоиҳои ҳусн,
Бо чунин ҳолем, набвад ёрро парвои мо[1].

---

[1] Охирги байти йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй сабо, бепарво ёримизга саломимизни етказ,
чунки унинг ғамида бошдан-оёқ бир қатра қондирмиз.

Кулишларинг хаёлида кечалари уйқимиз қочди,
жондан безор қилувчи афғонимиз халқларни йиғига солди.

Бир умр сенинг ҳасрат ўтингда куйишга
одатланганмиз, самандардек жойимиз куйдирувчи ўтдир.

Чарх-золим, ёр бепарво, толеъимиз тескаридир,
бу телба аҳволимизнинг маҳрумлигига вой!

Биз даврдан нима учун шикоят қилайлик? Гўзаллар
ёди билан балога солган шу расво кўнглимиздир.

Эй мурувват, ҳусн бевафоликларидан эриб, сув
бўлиб кет, чунки бизнинг шундай ҳолимизга ёр парво
қилмас.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Аз руху зулфи ту то ошуфта шуд аҳволи мо,
Ҳамчу пои шамъ торик аст моҳу соли мо.

Не зи лаълат васл, не аз коқулат бӯи мурод,
Мӯ ба мӯ дар ноумедӣ сӯхт қилу қоли мо.

Дар муҳаббат дидаи мо нест бенури камол,
Гашта гарди интизорӣ сурмаи иқболи мо.

Аз уруҷ мо чи мепурсӣ, ки ҳамчун мурғи ранг,
Аз хумори ёр меояд шикасти боли мо.

Шоми ҳаҷраш то ба субҳ аз бедимоғӣ метапем,
Эй сабо, пайғом деҳ бар ёри мушкинхоли мо.

Ҷилваи рӯи ту гулзор асту мо барги хазон,
Эй баҳори ноз берӯят чӣ бошад ҳоли мо.

Метавон, Макнуна, шукри толеи масъуд кард,
Як нигаҳ гар бингарад он шӯхи фаррухфоли мо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сенинг юзу зулфингдан аҳволимиз паришон
бўлгандан бери ою йилимиз шамъ остидек қоронғидир.

На лабингдан васл бору на кокилингдан мурод
ҳиди етади, барча саъи ҳаракатимиз бошдан-оёқ
умидсизликда куйди.

Муҳаббат йўлида кўзимиз камолот нурисиз эмас,
интизорлик гарди иқболимиз сурмасидир.

Бизнинг юқорига чиқишимизнинг нимасини сўрайсан,
худди ранг қушидек, ёр хуморидан қанотимиз сингандир.

Унинг ҳижрон шомида тонггача қийналиб
питиллаймиз, эй сабо, у қора холлик жононимга бу
хабарни етказ!

Сенинг юзингнинг жилваси гулзору биз сарғайган
япроқмиз,
эй ноз баҳори, сенинг юзингсиз ҳолимиз нима кечади?

Агар у муборакфол жонон бир марта нигоҳ ташласа,
эй Макнуна, масъуд толеимизнинг шукрини қилишимиз
керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дӯстон, гӯяд дилдори шакархои маро,
К-аз табассум ҷон диҳад афсурда аъзои маро.

Шоми умрам дар сияҳбахтӣ ба торикӣ расид,
Бо хабар созед ёри моҳсимои маро.

Гар ба сайри роҳи ишқи ӯ нагардад поймол,
Бишканед аз сангборони ситам пои маро.

Дар хаёли ёр чун наззора ҷонам метапад,
Гар ба ёд орад касе рӯзе тамошои маро.

Ростиҳои фиғону оҳи ман маълум нест,
Сарви мавзун қомати хуршедболои маро.

Ман ғубору домани хуршед дорам орзӯ,
Ханда месозад хирад ин саъи беҷои маро.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй дўстлар, у шакар лабли дилдоримга айтингларки,
менинг мажруҳ танимга табассумдан жон бахш этсин.

Умрим шоми бахти қаролик билан қоронғилиққа етди,
у ой юзлигимни шу ҳолимдан хабардор қилинглар.

Агар унинг ишқи йўлида поймол бўлмаса, ситам
тошбўронидан менинг оёқларимни синдиринглар.

Ёр юзининг хаёлда томоша қилаётган вақтимни
ким кўз олдига келтирса, жонимни қандай
питирлаётганлигини билади.

Унинг ишқида кўкка тортган оҳимнинг тўғрилиги
сарвдек хушқомат қуёш юзлигимга маълум эмас-да.

Мен ўзим бир ғуборман, лекин қуёшни орзу қиламан,
мана шу бежо ҳаракатимни ақл масхара қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳиммати ишқам набинад бар сарире сарваре,
Бахт агар бар остони ӯ диҳад ҷои маро.

Чарх — дун, дилдор — бепарвову афғон — беасар,
Эй худо, раҳме, дили андуҳфарсои маро.

Шеъри ман, Макнуна, таъсири дигар дорад ба дил,
Нест ғайр аз дарди дил маънӣ суханҳои маро.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар бахт унинг остонасидан жой берса, ишқим ҳиммати сарафрозлик (шоҳлик, улуғлик) тахтида ўтирган бировни писанд қилмайди.

Фалак паст, дилдор бепарво, афғон таъсирсиз, эй худо, бу ғамгин кўнглимга раҳм қил.

Эй Макнуна, менинг шеърим дилга бошқача таъсир қилади, сўзларимнинг маъносида дилнинг дардидан бошқа гап йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кетишимиз гулнинг ҳидидек ўз-ўзидан аён бўлди, бир жойга кетдикки у ердан хабаримиз келмайди.

Давр гулшанини кўришдан дил кўзини боғладик, бу жаҳон асбобларини назаримизга илмаймиз.

Суҳбатимиздан ҳеч ким озурда бўлмайди, ёқутнинг ўтидек бировга зараримиз тегмайди.

Саҳардаги қилган фарёду фиғонларимиздан булбул ниҳонхонасига кириб йўқолиб кетди.

Дилимиз лавҳидан жимлик ҳарфлари жилва қилади, лабимиздан маъно гавҳарлари сўзсиз мавж уради.

Бу экинзорда пишишдан маҳрум қолдик, талаб дарахтидан меваларимиз пишмай хом тўкилди.

Макнуна, қандай сунбул билан шамшодни изламайди, назаргоҳимиз унинг зулфи ва қаддидан ўзга эмасдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй назокатбахш аз ҳусни рухаш гулзорҳо,
Баста сунбул аз хаёли турраааш зуннорҳо.

Маст дар саҳро кулаҳ каҷ карда берун шуд магар,
Гашт Маҷнун волаву зад бар замин дасторҳо.

Эй сабо, гӯ ҳарфи рамзи ишқро бар гӯши ман.
Нест дар олам касе аз маҳрами асрорҳо.

Бо умеди он ки бинам рӯи чун хуршеди ӯ,
Ҳар шабе дорам чу кавкаб дидаи бедоохо.

Карда дуздон гӯшаи меҳробро дорул-амон,
Дошт дар абрӯ зи холи анбарин айёрҳо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қарангки, жонон юзи ҳуснидан гулзорлар навокат
бахш этувчи бўлди, унинг зулфи хаёлидан сунбул
белига зуннорлар боғлади.

Магарам у жонон саҳрога маст бўлиб, дўпписини
чаккасига қўндириб чиқдимиканки Мажнун волаи шайдо
бўлиб бошидан салласини олиб ерга урди.

Эй сабо, ишқ рамзининг ҳарфларини менинг
қулоғимга айт, сирларга маҳрам бўлган кишилар
дунёда йўқ.

Унинг қуёш юзини кўрармиканман деган умид билан
ҳар кеча уйқусиз кўзларим юлдуздек чарақлайди.

Қошинг ўртасидаги қора холинг айёрининг
қўрқинчидан бўлса керак, ўғрилар меҳроб бурчагини
ўзларига паноҳ қилибдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мурғи дил аз нола фориғ кай шавад ҳар субҳу шом,
Чунки бар рух дорад аз ҳар тори зулфаш морҳо.

Ҳамчу рухсору қади ҷонпарвараш марғуб нест,
Дидаам, Макнуна, аз шамшоду гул бисъёрҳо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дил қуши кечаю кундуз нола қилишдан қандай тўхтасин, чунки юзида ҳар бир қора зулфидан илонлари бор.

Эй Макнуна, шамшод билан гулларнинг кўпини кўрдим, менинг кўзимга унинг қадди билан юзидек чиройлик кўринмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ба гулзори хаёли орази ӯ чидаам гулҳо,
Зи дил бар шохсори нола дорам савти булбулҳо.

Зи ҳаҷри зулфи анбарбезу холи атромезаш,
Парешон кард сунбул ҳамчу бӯи мушк кокулҳо.

Ба ёдам ҷилваҳои қомати ӯ дар хиром омад,
Фиғон, дар гулшан дил тобакай созад таҳаммулҳо?

Ҳамон хуршедваш дар шоми ҳиҷрон чун ниҳон гардид,
Дилу ҷон чун кабутар ҳар саҳар созанд ғӯлғулҳо.

Ба уммеди гули боғи висолаш нақши пешонӣ
Ба хоки номуродӣ мондаму кардам тазаллулҳо.

Ба хобам даври хатти орази ӯ дар назар омад,
Фитода мадди оҳам ҳамчу кокул дар тасалсулҳо.

Ба уммеде ки ҳарфи ман шавад, Макнуна, мақбулаш,
Ба наъти Аҳмади Мухтор месозам тааммулҳо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Унинг юзи гулзори хаёли билан гуллар тераман,
нола шохларида дилдан булбуллардек сайрайман.

Анбар бўйини тарқатувчи зулф ва атир ҳидини
берувчи холининг ҳажрида сунбул билан мушк кокилдек
паришон бўлди.

Фиғон дил гулшанида қачонгача сабр қила олсинки,
унинг қомати жилвалари хаёлимга хиром қилиб келди.

У қуёш юзли ҳижрон шомида йўқолди шекилли, дилу
жон кабутари ҳар саҳар ғулғула қилади.

Висол боғининг гули умидида пешонамни умидсизлик
тупроғига қўйиб зорланаман.

Юзининг даврасидаги хатлари тушимда кўрингани
учун оҳим кокил сингари занжир-занжир бўлиб
уланиб кетди.

Эй Макнуна, сўзим мақбул бўлармикан деган умид
билан Аҳмади Мухтор (Муҳаммад пайғамбар) наътини
айтишда тааммул қиламан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бо хироми ҷилвааш як чашми қурбонем мо,
Пой то сар ҳамчу гул чоки гиребонем мо,

Хатти мушкинаш чу зулфи ҳур печидан надошт,
Ҳамчу бӯи сояи сунбул парешонем мо.

Ёр рафт аз чашми мо, Маҷнуни сарсони худем,
Бо хаёли ҷустуҷӯ гарди биёбоним мо.

Кош ояд бар лаб аз баҳри ҷанобаш қатрае,
Чун замин мӯҳтоҷи оби абри найсонем мо.

Дар шаби ҳиҷрон ба аҷзу нолаам созӣ мадад,
Эй нафас, як дам дар ин ғамхона меҳмонем мо.

Гуфт дар хобам ба нохун синаи худ реш соз,
Ҳар чӣ созад ҳукм, андар зери фармонем мо.

Бо ҷаҳони ҳусн, эй Макнуна, бенисбат наем,
Чун каманди зулфаш аз ошуфтаҳолонем мо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жилва билан қилган хиромига бир қараштда қурбонмиз,
бошдан оёғимизгача гул каби ёқамиз чокдир.

Унинг мушкин хатлари ҳур зулфидек чирмашган эмас
эди-ю, лекин биз сунбул сояси бўйидек паришонмиз.

Ёр бизнинг кўзимиздан кетди, биз ўз-ўзимизча
сарсон ва мажнунмиз, сўроғининг хаёли билан қуюн
сингари биёбонлар кезмоқдамиз.

Кошки у жанобнинг эҳсон денгизидан бизга бир қатра
етса, биз гўё эҳсон ёмғирига муҳтож бўлган ер
кабидурмиз.

Эй нафас, ҳижрон кечаларида ожизлик ноламга мадад
етказ, бир дам бу ғамхонада меҳмондирмиз.

Тушимда «тирноғинг билан сийнангни мажруҳ қил» деди,
у қандай фармон берса, биз уни адо этувчидирмиз.

Эй Макнуна, биз ҳусн жаҳонига муносабатсиз эмасмиз,
чунки биз ҳам зулф камандига ўхшаш
ошуфтаҳоллардanмиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ба ёди боғи рӯяш булбули рангам париданҳо,
Садои нолааш дорад ба гӯши ҷон шуниданҳо.

Ҷафои ҳаҷр мушкил шуд ба дӯши нотавони ман,
Ба мӯр осон набошад бори гардунро кашиданҳо.

Нагардад бо хаёл аз боғи васлаш мевае ҳосил,
Чи ҳаз аз бӯи гул боди саборо аз давиданҳо?

Ниқоб афканда бар рух ёри мо аз пардаи ҳиҷрон,
Набошад дастрас аз гулшанаш авроқ чиданҳо.

Зи ҳаҷри шоҳ шуд андар дилам девонагӣ ғолиб,
Ҳамехоҳад ҷунунам пардаро аз рӯ дариданҳо.

Баноъё аз фироқи шаҳриёре кард Макнуна,
Дӯкони сина мамлу аз матои доғ чиданҳо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юзи боғининг ёди билан рангим булбулида учишлар бор, жон қулоғида у булбул ноласининг садосини эшитишлар бор.

Айрилиқ жафоларининг юкини нотавон елкамда кўтариш қийин бўлди, фалак юкини тортиш чумолига осон эмас.

Васл боғининг меваси хаёл билан ҳосил бўлмайди, югургани билан тонг шамолига гул бўйидан нима фойда.

Ёримиз ҳижрон пардасидан юзига ниқоб тортгандир, унинг гулшанидан гул теришга қўлимиз етмайди.

Шоҳ ҳижронидан кўнглимда девоналик ғолиб бўлди, жунуним юздан пардани йиртиб ташлашни хоҳлайди.

Макнуна бир шаҳриёр фироқида унга назр қилмоқ учун доғ матоларини териб, сийна дўконига тўлдирган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Танам афсурда шуд аз ишқи ёру кард ҷон ғавғо,
Чу он мурғе ки орад аз шикасти ошъён ғавғо.

Хиромон рафт ёру ҷону дил ҳам рафт бо нола,
Ба ҳангоми сафар созанд аҳли корвон ғавғо.

Зи чашмам он пари рафту надидам ҳеч осораш,
Намеорам чаро аз ҳаҷри ёри бенишон ғавғо.

Зи дарди оташи ҳиҷрони ӯ ҷамъест раъдосо,
Ҷаҳон пур шуд зи конуни замин то осмон ғавғо.

Чу мижгон ашк резон, сина чоку дуди оҳи дил
Ба рӯи сафҳа созад хомаи мушкинфишон ғавғо.

Нагардад, дар ҳарими васли мо оҳу фиғон ҳосил,
Макун, Макнуна аз дарди фироқаш ройгон ғавғо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Таним ёр ишқидан озиб кетиб, жон ғовға қилади, у худди уяси бузилган қушдек ғовға қилади.

Ёрим хиромон бўлиб жўнади, орқасидан худди карвонлар кўчиш вақтида ғовға қилгани каби, жон билан дил ҳам нола қилиб кетди.

У пари кўз олдимдан кетди, ундан ҳеч асар кўрмадим, у бенишон кетган ёрнинг ҳижронида қандай ғовға кўтармайин?

Унинг ҳижрони ўти дардида бир тўда кишилар момақалдироқдек ғовға кўтардилар, ердан осмонгача жаҳон ғовғага тўлди.

Киприклардан ёш тўкиш, чок бўлган сийнадан оҳ тутунларини чиқариш билан дил бамисоли сафҳа юзига қора сиёҳ тўкувчи қаламдек афғон қилади.

Оҳу фиғон қилган билан васл бизнинг ҳарамимизга келмайди, эй Макнуна, унинг дарду фироқидан бекордан-бекорга ғовға қилаверма.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чунки дар дил ишқи ёри бенишон дорем мо,
Ҳамчу ахгар оташе дар тан ниҳон дорем мо.

Чатри шоҳиро чи меҷӯяд дили Маҷнуни мо,
Чунки аз мӯи сари худ соябон дорем мо.

Ҳеч кас ҳаргиз напардозад ба ҳоли зори дил,
Ҳар саҳар аз дард фаръёду фиғон дорем мо.

Нест ҳамчун шамъ корубори мо ҷуз сӯхтан,
Оташи ишқе ба мағзи устухон дорем мо.

Ҳосили ҷон-дарди ӯ, сармояи дил-нола аст,
Ҳамчу булбул бар сари хас ошъён дорем мо.

Ёри мо бо кишвари мулки дигар карда сафар,
Дар паи ӯ аз дилу ҷон корвон дорем мо.

Ҳодисоти ғам агар, Макнуна, ангезад ҳуҷум,
Аз хати соғар ба каф ҳирзул — амон дорем мо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дилимизда бенишон ёримизнинг ишқи бор, шунинг учун гўё танимизда чўғдек яширинган ўтимиз бор.

Мажнун кўнглимиз шоҳона соябонни нима қилсин, чунки бошимизда паришон сочимиздан соябонимиз бор.

Ҳоли зоримизга ҳеч ким эътибор қилмайди, ҳар саҳар дарду аламдан фарёду фиғонимиз бор.

Устухонимиз мағзида бир ишқ ўти борки, ишимиз шамъдек куйишдан бошқа эмас.

Жоннинг ҳосили — унинг дарди, дилнинг сармояси — ноладир, биз булбул каби чўп устига уя қўйганмиз.

Бизнинг ёримиз бошқа бир мамлакатга сафар қилган, унинг орқасидан эргашган жону дилдан корвонимиз бор.

Эй Макнуна, агар ғам ҳодисалари ҳужум қилса, пиёланинг хатидан омонлик туморимиз бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Зи ҳаҷри қоматат бардоштам оҳу фиғон имшаб,
Ба барги шохсори сарв бастам ошъён имшаб.

Шарори барқи оҳам шӯълаи найрангҳо дорад,
Шаҳоб осо зи гардун мекунад оташфишон имшаб.

Дили ман бо тапидан мекунад сад фитнаро бедор,
Фиканд аз нолаи ҷонсӯз, шӯр андар ҷаҳон имшаб.

Шавӣ хокистари мулки адам, эй муддаӣ, зинҳор
Масозӣ оташи ишқи диламро имтиҳон имшаб.

Зи хавфи ғарқ гардидан ҳазар созед, эй ёрон,
Сиришки чашми хунолӯди худ кардам равон имшаб.

Ба ҷуз хуни ҷигар набвад ба пешаш тӯҳфаи лоиқ
Ғами ӯ бо дили танги ман омад меҳмон имшаб.

Нашуд, Макнуна, ҳосил дидани дилдори шабгардам,
Зи ашк ар чанд шамъ афрӯхтам то каҳкашон имшаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу кеча сенинг қоматинг ҳижронда оҳу фиғон
кўтардим, сарв шоху баргларига уя боғладим.

Оҳим чақини учқунида ажойиб (найранг) шўълалари
бор, бу кеча худди учар юлдузлек осмондан ўт тўкди.

Менинг дилим қаттиқ тепишдан кўп фитналарни
уйғотди, жонсўз нолам бу кеча жаҳонга шавқин-сурон
солди.

Эй рақиб, бу кеча ишқим ўтини зинҳор имтиҳон қилма,
йўқлик диёрининг кулидек совриласан.

Эй дўстлар, ғарқ бўлиш хавфидан ҳазар қилинглар,
чунки бу кеча қонли кўз ёшимни дарёдек оқизганман.

Бу кеча унинг ғами танг дилимга меҳмон бўлиб келди,
унга жигар қонидан бошқа лойиқ туҳфа бўлмайди.

Бу кеча гарчанд то сомончи йўлигача кўз ёшидан шамъ
ёқсам ҳам, эй Макнуна, кечаси юрувчи дилдорни кўриш
муяссар бўлмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Вақти ҷавлон қомати дилдор дорад печутоб,
Чун ниҳол аз бод дар гулзор дорад печутоб.

Чун парешон гашт атромез зулфи ӯ, зи рашк
Торҳои риштаи зуннор дорад печутоб.

Дар машоми ҷон фурӯд омад шамими кокулаш,
Ҳамчу дуд аз табъи дил гуфтор дорад печутоб.

Кард чун товус сарви ӯ ба ҳар ҷониб хиром,
Чун садо бо ҳар тараф кӯҳсор дорад, печутоб.

Ғайрро афтод чун бо ноз чашми наргисаш,
Оташи рашки дили бемор дорад печутоб.

Ёр мастона ба қатли ошиқон омад бурун,
Зоҳидон чун печиши дастор дорад печутоб*.

---

* Охирги байт йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жавлон вақтида дилдорнинг қомати ниҳол гулзорда шамолдан буралгандек буралади.

Унинг хушбўй зулфи паришон маҳалда рашкдан зуниорнинг торлари буралади.

Жон димоғига кокилин иси келган чоғ, сўз кўнгул табиатидан тутундек буралади.

У сарв қомат товусдек ҳар томонга хиром қилган вақтда тоғлар ўз акс садодек ҳар томонга буралади.

Унинг кўзлари ноз билан бошқага қарагач, бемор кўнгилда рашк ўти буралади.

Ёр ошиқларни қатл қилиш учун мастона чиқиб келса, зоҳидлар ўз салласи янглиғ буралади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ба ҷони ман мижа бо абрӯвон бувад қуллоб,
Ба моҳӣ тир зи шасти камон бувад қуллоб.

Ба сайди тоири иқбол дар ҳадиқаи даҳр,
Каманди аҷзи дили нотовон бувад қуллоб.

Ба дасти саъй наёяд таноби мурғи висол,
Агарчи моҳи нави осмон бувад қуллоб.

Ба тавфи бандагии саҷдаи итоати ман
Ғубори хоки раҳи остон бувад қуллоб.

Зи меваҳои тавозуъ ниҳоли қомати ҳам,
Ба мурғи хотири аҳли замон бувад қуллоб.

Ба хони марҳамат афтодагони муфлисро,
Салои лутфи шаҳи комрон бувад қуллоб.

Зи шасти аҷз чу Макнуна сар намепечад,
Ба гардане ки бувад кокули бутон қуллоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Балиққа камон ўқидан қармоқ бўлганидек, менинг жонимга киприк билан қош қармоқ бўлади.

Дунё боғида иқбол қушини илинтириш учун нотавон кўнгилнинг ожизлик каманди қармоқ бўлади.

Агарда осмоннинг янги ойи қармоқ бўлса ҳам, уриниш билан висол қўшининг ипи қўлга келмайди.

Бандалик ва итоат саждасини қилиш учун унинг тавофига боришга у остона йўлининг тупроғи қармоқ бўлади.

Тавозу меваларидан эгилган қомат, замон аҳли хотир қушини илинтириш учун қармоқ бўлади.

Марҳамат дастурхонига муҳтож бўлган бечораларга комрон шоҳнинг лутфу марҳаматининг чақириғи қармоқ бўлади.

Гўзаллар кокилининг қармоғи гарданига илинган Макнуна, ожизлик қармоғидан бошини чиқармайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Карда наққоши азал ҳусни рухат чун офтоб,
Риштаи анвори меҳрат аз рухи дилҳо матоб.

Баҳри дидорат асирон нақди ҷонро бохта,
То туро маълум хоҳад гашт, дар рӯзи ҳисоб.

Кош аз лаъли зулоломези ту обе чакад,
К-ин дили афгор шуд аз оташи ҳиҷрон кабоб.

Солҳо дар дашти ҳиҷрон кардай оворае,
Мекушӣ бо теғи мижгон, боз месозӣ итоб.

З-ин гулистони ҷаҳон чун гул қадам берун задӣ,
Ҳамчу шабнам монда нақши дидаҳои мо баоб.

Бар саманди ноз ҷавлон карда ояд шаҳсувор,
Бо ду пояш ҳарду чашми хешро созам рикоб.

Аз дили Макнуна ҷуз расми вафо дигар маҷӯй,
Чунки иқлими муҳаббатро набошад инқилоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Азал наққоши юзинг ҳуснини қуёшдек ясаган, меҳри муҳаббатинг нурлари риштасини кўнгиллар юзидан четга бурма.

Асирлар дийдоринг учун жон нақдини тикканлар, бу қиёмат куни сенга маълум бўлса керак.

Кошки зулолдек лабингдан бир қатра сув томса, бу афгор кўнгил ҳижрон ўтидан кабоб бўлди.

Йиллар бўйи ҳижрон даштида овора қилгансан, киприк тиғи билан ўлдирасану яна итоб қиласан.

Бу жаҳон гулистонидан ташқарига гулдек қадам қўйдинг, бизнинг кўрганларимиз эса, гул баргига тушган шабнамдек сув бетига чизилган нақш сингари бўлиб қолди.

У шаҳсувор ноз отига миниб жавлон қилиб келмоқда икки оёғига икки кўзимни узанги қилай.

Макнунанинг кўнглидан вафо расмидан бошқани ахтарма, чунки муҳаббат иқлимида инқилоб бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дар соғари саҳбо набувад мавҷи маи ноб,
Аз партави ҳусни ту дили оина шуд об.

Қуллоби сари зулфи ту шуд доми раҳи дил,
Афтода маро моҳии дил дар хами қуллоб.

Кай мешунавад гӯши ту афсонаи ошиқ,
Чашмони сияҳмасти туро бурда шакархоб.

То қибланамо гашт ҷамоли ту ба зоҳид,
Хам гашта ба таъзими ду абрӯи ту меҳроб.

Моро ба дари пири муғон бурда хаёлат,
Э вой ки мо бо ту чи гӯем дар ин боб.

Шуд фикри ту ғаввос ба дарёи маъонӣ,
Дурҳои каломи ту бувад гавҳари ноёб.

Магзор, агар домани фурсат ба каф ояд,
Макнуна бувад ҷинси вафо — наъту ту дар ёб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Май косасидаги тўлқинланиб турган тиниқ май эмас, балки ҳуснинг партавидан дили эриб сув бўлиб кетган ойинадир.

Зулфинг учидаги гажак қармоқлари дил йўлига қўйилган тузоқ бўлиб, бизнинг дилимизнинг балиғи ўша қармоққа илингандир.

Сенинг қулоғинг ошиқ афсонасини қачон эшитар экан, маст қаро кўзларингни уйқи элитган.

Жамолинг зоҳидга қибладек кўринган вақтда у икки қошинг таъзимига меҳроб эгилди.

Хаёлинг бизни майхона эшигига олиб борди, бу ҳақда сенга ҳеч нарса деяолмаслигимиздан вой!

Фикринг маънолар дарёсига ғаввосу, сўзинг инжулари гавҳари ноёбдир.

Эй Макнуна, фурсат этагини қўлдан берма, таърифу тавсифинг вафо матоидир, буни билгин!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Аз фикри он қад в-аз ёди он лаб,
Доранд афғон тифлони мактаб.

Дар авҷи давлат аз бурҷ шоҳӣ,
Гардида толеъ — фархунда кавкаб.

Шуд ҷому мино сармояи мо,
Мо ошиқонем, ин аст — машраб.

Ҷоно, ба зоҳир мо аз ту дурем,
Ҳастӣ ту наздик аз наҳну ақраб.

Зулфи сиёҳат рӯи чу моҳат.
Шуд дастгоҳат аз рӯз то шаб.

Бемоҳи рӯят дар қайди ҳичрон,
То чанд дорам дилро муаззаб.

Аз шавқи ҷонон дар пеши ағъёр,
Зинҳор макшой, Макнунаё, лаб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қоматнинг фикри-ю, лабнинг ёдидан мактаб болалар афғон қилади.

Давлат осмонида шоҳлик (буржи) матлаидан бахт юлдузи чиқди.

Сармоямиз шиша билан жомдир, ошиқлармиз, бизнинг дину мазҳабимиз шу!

Эй жонон, кўринишда биз сендан узоқ бўлсак ҳам, лекин сен бизга «наҳну ақраб» дан ҳам яқинроқсан.

Сенинг қора зулфинг ва ой юзинг эртадан кечгача дастгоҳинг (ҳусида бойлигинг)дир.

Сенинг ой юзингсиз ҳижрон тузоғида қачонгача дилимни азоблайман.

Эй Макнуна, ағёрлар олдида жононнинг шавқидан зинҳор оғиз очма!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бас ки дар даръёи ҳастӣ нест об,
Ғарқаи ваҳмем дар баҳри сароб.

Мекашам чун субҳ шабҳо интизор,
То бурун ояд зи машриқ офтоб.

Аз гулоби шиша кардам имтиёз,
Гул шуда аз шарми дидори ту об.

Сархушам ҳар дам зи хуноби ҷигар,
Ғайр пиндорад ки менӯшам шароб.

Нашъаи ҷоми муҳаббат дигар аст,
Мастии саҳбо бувад по дар рикоб.

То шудам дар баҳри ҳиҷрон нохудо,
Киштии ман вожгун шуд чун ҳубоб.

Хобро дури мабод аз наргисат,
Варна хоҳад кард оламро хароб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бу борлиқ дарёси сувсиз (қуп-қуруқ) бўлганлиги сабабли сароб денгизида ваҳмга шўнғиганмиз.

Машриқда қуёшим чиқармикан деб, кечалари тонг каби интизорлик тортаман.

Гулоб шишасидан имтиҳон қилиб билдимки, гул сенинг юзингдан уялиб сув бўлган экан.

Мен ҳар дам жигар қонидан мастману бошқалар мени май ичади деб гумон қиладилар.

Муҳаббат жомининг нашъаси бошқача, май мастлиги, эса, узангига қўйилган оёқ каби (вақтинча) дир.

Ҳижрон денгизида кемачи бўлганимда, кемам сув устидаги кўпик сингари тўнтарилди.

Кўзларингдан уйқу узоқлашмасин, йўқса оламни хароб қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

То гили соғар ба каф ояд маро,
Аз дари майхона ҷустам фатҳи боб.

Кардаам, Макнуна, рангин дафтаре,
Метавон гул чид аз ҳусни китоб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лоақал май лойқаси қўлимга тегармикан деб, майхона эшигидан кушойиш истадим.

Эй Макнуна, мен рангин бир китоб қилдим, шу китоб ҳуснидан гул тера оласан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Айш кун, васли ёр дар гузар аст,
Бода паймо, баҳор дар гузар аст.

Кори худро ба вақт бояд кард,
Фурсати рӯзгор дар гузар аст.

Сабр кун, то фараҳ ба даст ояд,
Печутоби хумор дар гузар аст.

Муждаи васл мерасад, инак,
Навбати интизор дар гузар аст.

Эй фалак, бар шукӯҳи хеш маноз,
Ин ҳама гирудор дар гузар аст.

Такъя натвон ба фурсати ҳастӣ,
Ҳамчу боди баҳор дар гузар аст.

Даҳр оина аст, Макнуна,
Ҳар ки гардад дучор, дар гузар аст.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Айш-ишрат қилиб қол, ёрнинг васли ўтиб кетади, бодахўрлик фурсати бўлган баҳор вақти ўтиб кетади.

Ишни ўз вақтида қилиш лозим, дунёдаги ҳар бир дам ўтиб кетади.

Сабр қил, хурсандлик пайти ҳам етиб келади, маҳбусликда қийналиш ўтиб кетади.

Ҳа-ҳу дегунча ёр васлининг хушхабари келиб қолади, интизорликнинг навбати ҳам ўтиб кетади.

Эй фалак, ўз савлатингга бино қўйма! Бу ҳукмронликлар ўтиб кетади.

Ҳаёт фурсатига ишониб бўлмайди, бу баҳор шамоли каби ўтиб кетади.

Эй Макнуна, дунё мисли бир ойинадир, унга рўпара келганларнинг ҳаммаси ўтиб кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шоҳиди ин анҷуман талъати зебои кист?
Нуқли маям дар ин назар лаъли шакархои кист?

Ҳайрати оинаам аз руҳи маҳ талъатест,
Оҳи шарарҳези ман аз қади болои кист?

Бар руҳи меҳмони худ хона сафо медиҳам,
Нестам огаҳ вале хонаи дил ҷои кист?

Шоми сияҳ шамъсон оташи ҳасрат ба ҷон,
Сӯхта Маҷнуни ман аз ғами Лайлои кист?

Ишқ ба ҷону ҷаҳон тобу таб андохта,
Варна дар ин анҷуман ин ҳама ғавғои кист?

Хоки раҳам дар назар дар қадами кистам,
К-ин сари савдоиям зери кафи пои кист?

Гар накунад чашми ӯ ғорати сабру хирад,
Бӯи хуш баста ба думболаи меъҷар наргис.

Қурси маҳро ба сарангушти ҳино баста, шикофт,
Маҳшикоф аст чу ангушти паямбар наргис.

Пиразолест ки дар жазби ҷавонони баҳор,
Менамояд зари сурх аз сари чодар наргис.

Аз баёзи басари хеш намояд гули зард,
Ҳамчу акси санам аз дидаи кофар наргис.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёрим ғами ва фалакнинг айланганидан наргис доимо абтар бўлди (думи қирқилиб, ҳамма уни бармоқ билан кўрсатадиган бўлди).

Сарв наврўз байрами либосини кийиб яшил бўлганда, унинг ерга тушган соясини янги ўсган гуллар ёстиқ, наргис тўшак қилди.

Наргис гўё яшнаган янги келинчакдир, у ўзининг ғунчасидан хушбўй нарсани рўмолининг учига боғлаган.

Ой кулчасини ҳина қўйилган бармоғи билан ёрди, наргис пайғамбар бармоғидек ойни ёрувчидир.

Наргис бир маккора кампирдирки, баҳор ёшларини ўзига тортмоқ учун ёпинган чодири устидан қизил олтин кўрсатади.

Наргис бутпараст кўзига тушган бут аксидек кўзининг оқи ўртасидан гулни кўрсатади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ишқи булбул ба сари оташи гул сӯхт сипанд,
Дар чаман то нарсад чашми баде бар наргис.

Хост то булбул аз оҳанги ҷунун боз ояд,
Хонд ҳар субҳ дуои қадаҳ аз сар наргис.

Хизр осо чамани умри ту хуррам бодо,
Банда ат — лолаву гул — ходиму чокар — наргис.

Гар чи, Макнуна, басе наргиси хуш дар чаман аст,
Чун ду чашмаш набувад ғайри мукаррар наргис.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чаманда наргисга кўз тегмасин учун булбулнинг ишқи гул ўтининг устида исириғчи бўлди.

Наргис булбулни телбаликдан қайтариш учун ҳар тонг қадаҳ дуосини* ўқиди.

Хиҳодек умринг бўстони доим яшнасин, лола билан гул қул бўлиб, наргис хизматкоринг бўлсин.

Эй Макнуна, гарчанд бўстонда чиройли наргислар кўпдир, лекин унинг икки кўзи каби тенгсиз эмас.

* Д у о и қ а д а ҳ — телбаларга коса четига ёзиб бериладиган дуо.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нокомӣ аст бар мани ноком эҳтиёҷ,
Дорам зи лаъли ёр ба дашном эҳтиёҷ.

Саъям чу нақши пой ба ҷое намерасад,
Афканда аст бар сарам айём эҳтиёҷ.

Ҷуз бар дарат ба ин ҳама ҳоҷат куҷо равем,
Ҳар сӯ ниҳода дар раҳи мо дом эҳтиёҷ.

Аз баҳри як нигоҳ зи чашми сиёҳи ӯ,
Дорад ба боғ наргису бодом эҳтиёҷ.

Мино-хаёли қадди ту, ҷом аст-ҳайратам,
Набвад маро ба шишаву боҷом эҳтиёҷ.

Бе лаъли ёр аз паи дафъи хумори ман,
Соқӣ, мабар ба бодаи гулфом эҳтиёҷ.

Макнуна рам намуда зи абнои ин ҷаҳон,
Охир варо ба халқ кунад ром эҳтиёҷ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Менинг муҳтожлигим муродга етмаслигимдир, шунинг учун ёрнинг лабидан дашном олишга муҳтожман.

Ҳаракатларим оёқ изидек ҳеч ерга етмайди, давр бошимга муҳтожлик солган.

Шунча ҳожатларимиз билан сенинг эшигингдан бошқа қаерга борамиз, йўлимизда ҳар томонга муҳтожликлар тузоқ қўйган.

Унинг қора кўзларининг бир нигоҳига боғда наргису бодомлар муҳтождир.

Қоматинг хаёли менинг шишам, ҳайронлигим жомимдир, шунинг учун шиша билан жомга эҳтиёжим йўқ.

Эй соқий, менинг хуморимни ёзаман деб ёрнинг лабисиз гул ранг шаробга муҳтож бўлма!

Макнуна бу жаҳон халқларидан узоқлашмоқни истайди, лекин уни эҳтиёж яна халққа ром қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Манам ба ишваи он шӯхи дилрабо муҳтоҷ,
Чунон ки ҳаст ба алтофи шаҳ гадо муҳтоҷ.

Баҳор бинаду то гулфурӯши ноз шавад,
Бувад ба пои нигорини ӯ ҳино муҳтоҷ.

Зи дӯстон наравад обрӯи истиғно,
Мабод бар дари бегона ошно муҳтоҷ.

Маро зи пири харобот умед бисъёр аст,
Ки будаам ба каромоти авлиё муҳтоҷ.

Худо нагуфта, хатармоягони ин гирдоб,
Шавад ба ёрии маллоҳи нохудо муҳтоҷ.

Ҳама карашмаву найранги ӯ бувад, варна,
Дар ин миёна куҷо мунъиму, куҷо муҳтоҷ.

Дар эҳтиётҷи ту Макнуна аз ҳад афзун аст,
Ба ғайри худ накунад бо касе худо муҳтоҷ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мен шоҳларнинг лутфу карамига муҳтож бўлган гадодек у дилрабо шўхнинг ишвасига муҳтожман.

Ҳина унинг оёғи нақши бўлишга муҳтож, шу билан баҳорни кўрса-ю, боғда ноз ишва билан гулфурушлик қилса.

Дўстлардан истиғно обрўси ҳаргиз кетмасин, ошно бегоналарнинг эшигига муҳтож бўлмасин.

Майхона пиридан умидим кўпдир, чунки авлиёларнинг карoматига муҳтож бўлганман.

Худо демасдан бу хатар гирдобига тушганлар нохудо (кема капитани)нинг ёрдамига муҳтож бўладилар.

Бу жаҳондаги ҳамма нарса унинг карашма-ю найрангидур, бўлмаса бу ўртада эҳсон қилувчи киму муҳтож ким?

Эй Макнуна, сен ҳаддан зиёда муҳтожсан, худо ўзидан бошқа кишига муҳтож қилмасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Мерасад аз ҷоми май имрӯз пайғоми сабӯҳ,
Хушдилам то шом аз хосияти номи сабӯҳ.

Офтоб аз машриқи уммеди риндон сар кашид,
Тоза шуд айши кӯҳан аз муждаи ҷоми сабӯҳ.

Бар дари майхонаам аз шом то субҳ интизор,
То шавад дил комьёб аз ҷоми гулфоми сабӯҳ.

Донаи холи лабат дар ҷом дидам, лоҷарам,
Мурғи дил афтода баҳри дона дар доми сабӯҳ.

Аз ғами олоиши асбоби дуньё фориғ аст,
Ҳар ки ҷоми бода менӯшад ба ҳангоми сабӯҳ.

Нашъа аз ҷоми сабӯҳӣ кун ки то шами абад,
Файз меболад зи хоки дурдошоми сабӯҳ.

Бас ки дар шоми фироқаш, ғунча ҷайби ҳасратам,
Нашкуфад Макнуна табъам чун гул аз ҷоми сабӯҳ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бугун менга май жомидан тонгги май саломи келаётир, тонгги май номи хосиятидан то шомгача хушдилман.

Офтоб риндлар умиди машриқидан бош кўтарди, тонгги жом хушхабаридан эски айшлар янги бўлди.

Кўнгул гулранг сабуҳий жомдан мақсадига етармикан деб майхона эшигида шомдан тонггача интизорман.

Мен жомда лабинг донаи холини кўрдим, кўнгул қуши шу дона учун сабуҳий жомининг тузоғига илинди.

Ҳар ким тонг пайтида май ичса, дунё ғамларидан фароғат топади.

Сабуҳий жомдан маза қил, чунки сабуҳий май дурдахўрларининг тупроғидан қиёматгача файз чиқиб туради.

Айрилиқ шомида ҳасратим ёқаси доим ғунчадек тугилгандир, эй Макнуна, менинг табиатим сабуҳий жомдан гулдек очилмайди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Файзҳо дар парда дорад партави анвори субҳ,
Ин башорат дод бар ман сирри файзосори субҳ.

Бишканад ҳамъёзаи ҷоми сабӯҳӣ офтоб,
Нашъаи саршор дорад дидаи бедори субҳ.

Фоли ҳайрат мезанад чун андалиб аз бӯи гул,
Маст шуд махмури ман аз соғари саршори субҳ.

Огаҳ аз худ бош, бар сармояи ҳастӣ маноз,
Беш набвад як-ду дам, ҳангоми гиру дори субҳ.

Кавкаби ашкам чароғон кард ҳангоми саҳар,
То дами хуршед анҷум чидам аз гулзори субҳ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тонг нурлари партавининг парда орқасида файзлари бор, файз асарлик тонг сирри менга шу башоратни берди.

Тонгги май жоми хуморни тарқатади, чунки унда тонгнинг уйғоқ кўзининг нашъалари бор.

Булбул гул ҳидидан ҳайрат фолини очганидек, хуморим тонгнинг лиммо-лим пиёласидан маст бўлди.

Бу борлиқ давлатига ноз қилма, ўзингдан огоҳ бўл! Бу тонгнинг гиру дори бир-икки нафасдан ортиқ бўлмайди.

Кўз ёшим юлдузлари тонг пайтини чароғон қилди, мен то қуёш чиққунча тонг гулшанидан юлдуз гулини тердим.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мекунад аз меҳри худ бо хештан ифшои роз,
Варна кас набвад ба олам маҳрами асрори субҳ.

Дар муҳаббат ҳарзагӯй кай бувад Макнунаро,
Бе буногӯши ту бошад нанг аз гуфтори субҳ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тонг ўзининг меҳру муҳаббатидан (қуёш билан) сирини очади, акс ҳолда дунёда тонг сирларига маҳрам бўладиган киши бўлмайди.

Сенинг чеҳранг олдида субҳдан гапириш уят бўлмасайди, муҳаббатда лоф уриш Макнунада бўлмас эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Он сарви ноз омад чун нахли арғувон сурх,
Аз ҷӯши лолаву — гул гардид гулситон сурх.

Ҳангоми айшу мастист, эй дил, бинӯш бода,
Омад баҳору аз май шуд лаъли навхатон сурх.

Эй гулбуни латофат, бе арғувони рӯят,
Ашкам дамад дамо-дам аз чашми хунфишон сурх.

Расмест дилбарон лаб гулгун кунанд аз пон,
Аз лаъли дилбари ман гардид барги пон сурх.

Дар чашми ишқбозон гулзор менамояд,
Аз хуни куштагонат шуд арсаи ҷаҳон сурх.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

У сарви ноз арғувон ниҳолига ўхшаган қип-қизил бўлиб келди, лола-ю, гулнинг жўш урганидан гулистон қип-қизил бўлди.

Эй дил, (баҳор) айшу ишрат вақтидур,
май ич, баҳор келди-ю, майдан янги мўйлаб — хат чиқарганларнинг лаби қизарди.

Эй латофатнинг гул навдаси, сенинг арғувон ранглик юзингсиз қон тўкувчи кўзимдан дам-бадам қизил ёш оқади.

Гўзал дилбарларга «пон»[1] япроғидан лабларини қизартириш расмдир, менинг дилбарим лабидан пон япроғи қизил бўлди.

Йўлингда қурбон бўлганларнинг қонидан қизил бўлган жаҳон майдони ишқибозларнинг кўзига гулзор бўлиб кўринди.

---

[1] Пон — Ҳиндистонда битадиган бир дарахт бўлиб, хотин-қизлар лабини кўпинча унинг япроғи билан бўяйдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳарчанд он миёнро аз нозукӣ камар нест,
Дорад гарон камарбанд чун лаъл бар миён сурх.

Макнуна мебинозам бар ҳусни он шакарлаб,
К-аз васфи лаъли ӯ шуд дар коми ман забон сурх.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У бел камоли нозиклигидан кўзга кўринмаса ҳам, белида ёқутдек қизил қимматбаҳо камари бор.

Мен Макнуна у шакар лабнинг ҳусни билан нега ноз қилмайинки, лабининг таърифида тилим қизил бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Навбаҳор аст сановбар зада бар сар гули сурх,
Тоҷи заррин шуда бар фарқи сановбар гули сурх.

Шишаи ғунча лабо-лаб зи гулоб аст имрӯз,
Баски шуд об зи шарми рухи дилбар гули сурх.

Файзи гулгашти чаман нашъаи дигар дорад,
Ҳар тараф ғунча сабӯ дораду соғар гули сурх.

Муждаи айшу тараб мерасад аз боди баҳор,
Боз дар саҳни гулистон зада чодар гули сурх.

Ҳар куҷо ашк фишонам, дамад онҷо гули зард,
Ту ба ҳар ҷо ки ниҳӣ пой, кашад сар гули сурх.

Навбаҳор омаду рухсораи зебо бинамой!
Баски дар боғи ҷаҳон гашт мукаррар гули сурх.

То ба кай ҷилваи гулзор тамошо кардан,
Рез Макнуна кунун аз миҷаи тар гули сурх.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Навбаҳор келдими, санавбар бошига (чаккасига) қизил гул санчибди, санавбар бошига қизил гул олтин тож бўлибди.

Бугун ғунчанинг шишаси гулобдан лиммо-лимдир, дилбарим юзини кўриб уялганидан қизил гул сув бўлдими?

Чаманда гул сайри файзининг бошқача бир нашъаси бор, ҳар тарафда ғунчадан май кўзачалари, гулдан пиёлалар бўлади.

Баҳор шамолидан айшу ишрат хушхабари етмоқда, яна қизил гул гулистон саҳнига чодир қурди.

Мен қаерга кўз ёшимни тўксам, ўша ердан сариқ гул унади, сен қаерга қадам боссанг, у ердан қизил гул бош кўтаради.

Навбаҳор келди, гўзал юзингни кўрсат, жаҳон боғларида қайта-қайта қизил гул очилмоқда.

Ой Макнуна, қачонгача гулзор жилвасини томоша қиласан? Энди ўз кўзингдан қизил гуллар тўк!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Соқиё, қадаҳ пуркун фасли навбаҳор омад,
Аз гули саҳаргоҳӣ бӯи васли ёр омад.

Гарди хоки майдонро бод ҳар тараф меронд,
Гуфтамаш чи мехоҳӣ, гуфт шаҳриёр омад.

Дар хаёли рухсораш гул дамид аз ашкам,
Ёди қоматаш кардам, сарв дар канор омад.

Андалеб бо гул гуфт: «Пур машав ба худ мағрур,
Чун ту сад чаман болид, ҳамчу ман ҳазор омад».

Фохта ба шохи сарв шоҳномае мехонд,
Бар сари сухан туғро номи шаҳсавор омад.

Ҷавҳари хаёлотам хуни хасм мерезад,
Мисраи баланди ман ҳамчу зулфиқор омад.

Дар паи амал будам як нафас наёсудам,
Ғайри ишқ Макнуна дар ҷаҳон чи кор омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй соқий, навбаҳор келди, қадаҳни тўлдир,
саҳар чоғидаги гулдан ёр васлининг ҳиди келади.

Шамол майдон тупроғини ҳар тарафга сурар эди,
ундан: «нима қилмоқчисан?»— деб сўрасам, у «шаҳриёр
келди», деди.

Ёр рухсорининг хаёли билан кўз ёшимдан гул унди,
унинг қоматини ўйласам, сарв қучоғимга келди.

Булбул гулга қараб: «Сен ўзингга кўп мағрур
бўлаверма, сенга ўхшаган юз чаман дунёда яшнади,
менга ўхшаган минг булбул келди», деди.

Қумри сарв шохига қўниб шаҳнома ўқир эди, унинг сўз
бошисида шаҳсуворнинг номи туғро[1] бўлди.

Хаёлотим жавҳари душман қонини тўкади, баланд
мазмунли мисраим гўёки зулфиқордир.

Дунё орзу-умиди орқасида бир нафас ҳам тинмадим,
эй Макнуна, ишқдан бошқа оламда нима иш бор.

---

[1] Катта ҳарфлар билан ёзилган мадҳиялар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҷом дар даст ёр меояд,
Майпарастон, баҳор меояд.

Беҷамоли ту боғро чи кунам,
Гул ба чашмам чу хор меояд.

Шамъсон дар саводи шоми фироқ,
Сӯзиши дил ба кор меояд.

Ҳардам аз ёди лаъли хандонаш,
Гиръя беихтиёр меояд.

Нест чун ноқаҳои Вайси Қаран,
Ашки ман шашқатор меояд.

Ман ба сад шавқ меравам аз худ,
Ёр агар дар канор меояд.

Нест, Макнуна, ашкро қадре,
Сахт беэътибор меояд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёр қўлида жом билан келмоқда, эй майпарастлар, баҳор келмоқда.

Сенинг жамолингсиз боғда нима қиламан, гул кўзимга тикандек кўринади.

Фироқ тунларида дилимнинг ёниши шамъдек иш беради (кечани ёритади).

Ҳар замон унинг хандон лабининг ёдида беихтиёр йиғлайман.

Қатор-қатор келаётган кўз ёшларим Вайси Қараннинг туяларича эмасми?

Ёр агар қучоғимга келса, шавқдан юз марта ўзимдан кетаман.

Эй Макнуна, кўз ёшнинг қадри йўқ, у (кўз ёши) ҳам беэътибор бўлиб кетган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ғунчаи дил шукуфта шуд бӯи баҳор мерасад,
Ҳар нафас аз насими гул муждаи ёр мерасад.

Шишаи сарв пур зи май, лола пиёла дар чаман,
Он бути сарв қомату лолаузор мерасад.

Боз ба теғи абрувон рехта хуни ошиқон,
Ғамза зи чашми масти он фитнасавор мерасад.

Фурсати айб бебақо, ғунчаи дил нагашта во,
Субҳи нишот меравад, шоми хумор мерасад.

Дил шуда хун ба ҳаҷри он, сӯхта ҷони нотавон,
Аз ду тараф ба гӯши ҷон нолаи зор мерасад.

Омаду рафти ӯ маро, нозу итоби дигаре,
Барқшитоб меравад, ҳамчу шарор мерасад.

Хотири Макнунаро субҳ азон бувад фараҳ,
Бод зи тавфи кӯи ӯ гул ба канор мерасад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Баҳор ҳиди келди шекилли, кўнгил ғунчаси очилди,
гул насимидан ҳар нафас ёрнинг хушхабари етиб келди.

Чаманда сарв шишаси майдан тўла, лола эса,
пиёладир, у лола юзли, сарв қомат ёр етиб келади.

Қошлари тиғи билан маст кўзларининг ғамзаси ошиқлар
қонини тўкмак учун фитна отига отланиб етиб келади.

Айш фурсати бақосиздир, дил ғунчаси очилмай туриб,
шодлик донги кетиб, хуморилик шоми етиб келади.

Унинг ҳижронидан дил қон бўлди, нотавон жон куйди,
икки томондан жон қулоғига нола-ю зор етиб келади.

Унинг бориш-келиши бошқа-бошқа нозу итобдир,
чақмоқдек кетиб, ўтдек етиб келади.

Макнунанинг хотирига тонг шунинг учун фараҳ
бағишлайдики, шамол унинг кўйини айланиб, гул
қучоқлаб етиб келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Берухат ашкам чароғон мекунад.
Имтиҳони шоми ҳиҷрон мекунад.

Кӯҳкан, фориғнишин, дар ҷӯи шир,
Ашки ман имрӯз тӯфон мекунад.

Куфр бошад бемуҳаббат зистан,
Ишқ кофирро мусулмон мекунад.

Моҳи ман худраъю бебок асту шӯх,
Ҳарчи мехоҳад дилаш, он мекунад.

Хонаи дил ҷилвагоҳи нози ӯст,
То шавад обод, вайрон мекунад.

Ҳар ки бошад дар ҷаҳон аз неку бад,
Ҷавҳари худро намоён мекунад.

Субҳи содиқ аз камоли ростӣ
Хизмати даргоҳи султон мекунад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сенинг юзингсиз кўз ёшларим кулбамни ёритади, ҳижрон шомини имтиҳон қилади.

Эй Кўҳкан (Фарҳод), сут ариғида фароғат билан ўтир, бугун кўз ёшим тўфон қилаётир.

Муҳаббатсиз тириклик кофирликдир, ишқ кофирни мусулмон қилади.

Менинг гўзалим ўзбошимча, бебоқ, шўхдир, дили нимани хоҳласа ўшани қилади.

Дил уйи унинг жилвагоҳидир, уни обод қилиш учун вайрон қилади.

Жаҳонда ким бўлмасин хоҳ яхшилик, хоҳ ёмонликдан ўзининг жавҳарини кўрсатади.

Субҳи содиқ камоли ростликдан султон даргоҳининг хизматини қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар дам аз шӯри табассум лаъли ӯ
Ғунчаи гулро намакдон мекунад.

Дон яқин, Макнуна, гар хоҳад худой,
Заррароро хуршеди тобон мекунад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар замон унинг лаъл лаби табассумининг ғавғоси гул ғунчасини туздон қилади.

Эй Макнуна, шуни аниқ билгин, агар худо хоҳласа, варрани қуёш қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Моҳи ман оҳанги майдон мекунад,
Ҳар тараф бепарда ғавғон мекунад.

Халқро аз ғилвахои дилфиреб,
Бо ғамоли хеш ҳайрон мекунад.

Аз ҳуҷуми чашми ҳайрон нози ӯ,
Хирмани оина сомон мекунад.

Эй, хуш он ошиқ ки дар кӯи вафо,
Ҷони худ таслими ҷонон мекунад.

Накҳати гесӯи анбарбори ӯ,
Зулфи сунбулро парешон мекунад.

Ҳар кӣ пеш ояд ба чашми масти ӯ,
Нози мижгон тирборон мекунад.

Сӯхта Макнуна аз дарди фироқ,
Ёди васли шоҳи даврон мекунад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жононим майдонга бориш қасд қилади, ҳар томонга парда тутмай жавлон қилади.

Кўнгил олувчи жилваси билан халқларни ўз жамолига ҳайрон қилади.

Ҳайрон кўзлар ҳужумидан унинг нози ойина хирмонини тузади.

Вафо йўлида ўз жонини жононга таслим қилган ошиқ қандай яхши.

Унинг анбарафшон кокилларининг бўйи сунбул зулфини паришон қилади.

Ҳар ким унинг маст кўзига рўбарў келса, ноз киприкларидан ўқ ёғдиради.

Макнуна фироқ дардида куйиб, даврон шоҳининг васлини эслайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Хотири ворастаи аҳли муҳаббат шод бод,
Кишвари девонагиҳо то абад обод бод.

Ҷилвамуштоқам, ба ҳангоми тамошо чашми ман
Волаи рухсораи он сарви хуризод бод.

Қиссаи Фарҳоду Маҷнун шуд мукаррар, баъд аз ин
Дар дили аҳли вафо афсонаи ман ёд бод.

Андалебу фохта безаҳмати боди хазон,
Дар паноҳи сояи сарву гулу шамшод бод.

То кунад эҷод ҷӯи шир аз мӯи сафед,
Қомати пири ҳарифӣ, тешаи Фарҳод бод.

Дӯстони софдил домони ҷамъият ба каф,
Кинахоҳонро ҳусули зиндагӣ барбод бод.

Нест роҳи ишқи ӯ Макнуна бе шӯри ҷунун,
Дар тариқи ишқбозӣ нолаву фарьёд бод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Муҳаббат аҳлининг озод кўнгиллари шод бўлсин, девоналик мамлакати абадий обод бўлсин.

Мен жилванинг муштоқиман, кўзим томоша вақтида у ҳур насабли (гўзал) юзининг ошиғи бўлсин.

Фарҳод билан Мажнун қиссаси кўп такрорланди, бундан сўнг вафо аҳлларининг дилларида менинг афсонам ёд бўлсин.

Булбулу қумрилар хазон шамолининг заҳматисиз сарв, гул ва шамшод соясининг паноҳида бўлсин.

Қарилик қоматининг эгилганлиги Фарҳод тешасининг ҳарифидир, чунки бу ҳам оқ соқолидан сут ариғини ижод қилади.

Хотиржамлик этаги соф кўнгилли дўстлар қўлида бўлсин, душманларнинг тириклик ҳосиллари шамолга кетсин.

Эй Макнуна, унинг ишқи йўли шўру жунунсиз бўлмайди, ишқбозлик йўлида нолау фарёд бўлиши керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Субҳ к-аз чаман бод, мавсуми баҳор омад,
Бар машоми ҷони ман бӯи васли ёр омад.

Накҳати гулу сунбул атрбези гулшан шуд,
Тоҷири сабо онҷо бӯи гул ба бор омад.

Рехт оташам дар дил ёди он парипайкар,
Боз чашми ҳайронам ҷилваинтизор омад.

Ашк то сари мижгон боз мекунад ҷавлон,
Дар дилам хаёли он тифли найсавор омад.

Бе ту анҷуманҳоро рехт оташи ҳасрат,
Нашъаи тараб гум шуд, кулфати хумор омад.

Нест як дам осоиш бе висол ошиқро,
Рафта дуди оҳ аз дил, дида ашкбор омад.

Соқиё, қадаҳ пур кун то ба ёди шаҳ нӯшам,
Шамъи шоми ҳиҷронам ёди шаҳриёр омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Тонгда чамандан баҳор шамоли келди,
жон димоғига ёр васлининг ҳиди келди.

Тонг шамолининг савдогари у ерга гул бўйини юклаб келгач, гулу сунбулнинг ҳидидан гулшан муаттар бўлди.

У пари пайкарнинг ёди кўнглимга ўт солди-ю, яна бу ҳайрон кўзум жилвага интизордир.

У қамиш от минувчи гўдак хаёли ёдимга келса, кўз ёшим, киприкларим учига келиб жавлон қилади.

Сенсиз анжуманларга ҳасрат ўти ёғилди, шодлик нашъаси йўқолиб, хумор кулфати келди.

Ошиққа висолсиз бир дам осойиш йўқ, дилдан оҳ тутуни чиқади, кўзлар ёш тўкади.

Эй соқий, қадаҳни тўлдир, токи мен шоҳнинг ёди билан нўш қилайин, у шаҳриёрнинг ёди ҳижрон кечаларимнинг шамъидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Тез теғи абрўяш, кист бингарад сўяш,
Аз ду чашми ҷодуяш фитна ошкор омад.

Баски шаш ҷиҳатро дид аз ҷамоли ў холӣ,
Аз ду чашми Макнуна ашк шашқатор омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қошларининг тиғи ўткирдир, ким унга қарай олади,
икки жоду кўзидан фитна ошкордир.

Жаҳоннинг олти томонини унинг жамолидан холи кўргач,
Макнуна кўзидан қатор-қатор ёшлар тўкилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Боз он сарви равон сӯи гулистон меравад,
Пойкӯбон, даст андозу хиромон меравад.

Гирьяи беихтиёрам дод оламро ба об,
Дам-бадам тӯфони ашк аз чашми ҳайрон меравад.

Меравад қонон, вале то боз ояд аз чаман,
Аз тани афсурдаи бемори ман қон меравад.

Бе рухсат тӯфони ашкам боз туғьён мекунад,
Сарсари оҳам ба истиқболи тӯфон меравад.

Маҳви гулзори ту аз фикри тамошо фориғ аст,
Ғунчаи мо сар ба қайбу по ба домон меравад.

Аз надомат ашк чун гавҳар ба домон рехтам,
Дар қунун дастам ба домону гиребон меравад.

Тӯтиё аз хоки кӯи ёр хоҳам, эй сабо,
Варна хуноби чигар аз чашми гирьён меравад.

Ашки Макнуна ба домони қиёмат мерасад,
Инчунин гар аз фироқи шоҳи даврон меравад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

У сарви равон яна гулшан томонга бормоқда,
қўл ташлаб, тез босиб, хиромон бормоқда.

Ихтиёрсиз йиғлашимдан олам сувга ғарқ бўлди, ҳар
замон ҳайрон кўзимдан ёш тўфони бормоқда (оқмоқда).

Жонон чаманга кетди, у келгунча озғин бемор
танимдан жон кетади.

Сенинг юзингсиз кўз ёшим янада кўпроқ оқади, оҳим
шамоли у тўфоннинг истиқболига боради.

Гулзорингга мафтун киши томоша фикридан хотиржамдир,
ғунчамиз бошини ёқасига, оёғини этагига беркитиб кетади.

Надоматдан гавҳардек кўз ёшимни этагимга тўкдим,
девоналикда қўлим гоҳ этагим, гоҳ ёқамга чўзилади.

Эй тонг шамоли, ёр кўйининг тупроғини сурма
қилмоқчиман, йўқса йиғлоқ кўзларимдан жигар қони
кетмоқда (тўкилмоқда).

Макнуна даврон шоҳи фироқида шундай кўз ёши
тўкадиган бўлса, у ёш қиёмат этагигача бориб етади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҷон мубталои он маҳи болобаланд бод,
Дил сайди зулфи дилбари гесукаманд бод.

Кавсар илоҷи талхии ҳиҷрон намекунад,
Ё раб, ба коми мо лаби он нӯшханд бод.

Манзур нест гарчи ба чашми ту нақди дил,
Пеши ту ҷони бохтаи мо писанд бод.

Ҳайф аст гарди Каъба фишондан ба раҳгузар,
Хоки дараш ба чашми мани мустаманд бод.

То дафъи захми чашми бади муддай шавад,
Бо шӯълаи рухат дили ошиқ сипанд бод.

Аз акси ҷилва оина лаззатпазир нест,
Тимсоли оразаш ба дили дардманд бод.

Макнуна файзи лаззати ийсор дигар аст,
То ҳаст дил фидои бути дилписанд бод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жон у баланд қоматли ойнинг мубталоси бўлсин,
дил у зулфи каманд дилбарнинг сайди бўлсин.

Кавсар чашмаси ҳижрон аччиғлиғига илож бўлмайди,
эй тангри, бизга у ширин табассумли лаб керак.

Гарчанд кўзинг олдида дил нақди манзур бўлмаса-да,
сен учун тикилган бу жон қабул бўлсин.

Каъба тупроғини йўл устига ташлаш ҳайфдир, унинг
эшиги тупроғи ҳожатманд кўзимга сурма бўлсин.

Юзинг шуъласига ошиқнинг дили исириқ бўлсин, токи
у душманларнинг ёмон кузининг захмини дафъ этсин.

Унинг жилваси аксини олган ойина ҳеч қандай лаззат
тополмайди, унинг чеҳрасининг акси дардмандлар
дилида бўлиши керак.

Эй Макнуна, бахшиш файзининг лаззати бошқачадир,
менинг дилим бор экан, у ёқимли дилбарнинг фидоси
бўлсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ба хандаи лаби ширин чу табъ шод кунед,
Зи гиръяҳои мани талхком ёд кунед.

Ба тоби чеҳраи ӯ сӯхт, бар тасаллии дил,
Зи хулд барги гуле овареду бод кунед.

Зи дур ҷилва намуду гирифт дил зи кафам,
Ба сабру тоқати ман зуд хайрбод кунед.

Ба хуни ошиқи бечора гар муроде нест,
Илоҷи хотири маъюс аз мурод кунед.

Ба сӯзи синаи мо во кунед чашми яқин,
Ба сахтии алами ишқ эътиқод кунед.

Ба ҳоли ғунча тағофул ситам бувад, зинҳор
Ба табъи бастаи мо ҷабҳае кушод кунед.

Фитод ларза бир андомам аз фурӯғи рухаш,
Дар ин назора зи хуршеду зарра ёд кунед.

Зи ҷавр синаи Макнунаро фигор намуд,
Ба аҳди ёр кунун камтар эътимод кунед.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

У ширин лаб кулгиси билан табиатингизни шод қилганингизда, менинг аччиқ йиғимни ҳам эсланг.

У чеҳра ўти билан куйган дилим тасаллиси учун жаннатдан бир гул баргини келтириб, мени елпинглар.

Узоқдан бир жилва кўрсатди-ю дилимни қўлимдан олди, энди менинг сабру тоқатим билан тез хайрлашинглар.

Бечора ошиқнинг хуни билан ҳам мароди ҳосил бўлмаса, у маъюсхотир иложини мурод билан қилинглар.

Сийнамиз куйиғига эътибор кўзи билан қараб, ишқ алами қаттиқлигига эътиқод қилинглар.

Ғунчадек сиқилган кўнгил ҳолидан ғофил бўлиш ситамдир, бизнинг табиатимизни очилишига юз ўгиринг.

Юзининг равшанлигидан вужудимга ларза тушди, бу ўринда қуёш билан зарранинг муносабатини эсланг!

Макнунанинг кўксини жафо билан афгор қилди, энди ёрнинг ваъдасига камроқ эътимод қилинглар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сафову равнақи дурҳои обдор намонад,
Шикасти аҷзи хазафҳои хоксор намонад.

Сабот нест фиғонҳои булбулони чаманро,
Навову нағмаи мурғони кӯҳсор намонад.

Ба ҳоли ғамзада айб аст, бепафоии хӯбон,
Дар ин баҳор ки гул бебақои хор намонад.

Зи шуғли олами фонӣ хуш аст нармии ботин,
Ба раҳм кӯш, ки имсол ранги пор намонад.

Агар баҳор равад аз назар ғубор надорам,
Дили аламзадаи ман зи ёди ёр намонад.

Ба ҷуз каломи муҳаббат бақопазир набошад,
Ба ғайри маънии рангин ба рӯзгор намонад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Порлоқ гавҳарларнинг равнақ ва тиниқлиги ҳам қолмайди, синиқ сафолнинг хоксорлиги ҳам қолмайди.

Чаман булбулларининг фиғону ноласининг ҳам саботи йўқ, тоғ қушларининг навоу нағмаси ҳам қолмайди.

Шу баҳорда гул бебаҳо-ю, тикан ҳам қолмайдиган бўлса, ғамзадалар ҳолига гўзалларнинг вафо қилмасликлари айбдир.

Бу фоний дунёга машғул бўлишдан кўра, ботинни юмшатиш яхшидир, раҳм-шафқат пайидан бўлгинки, ўтган йилнинг ранги бу йилда қолмайди.

Аламзада дилим ёр ёдидан қолмаса, баҳор назаримдан кетган билан хафа бўлмайман.

Муҳаббат сўзидан бошқа сўз мангу эмас, рангин маънидан бошқа нарса жаҳонда қолмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чи сон адо нанамоем васфи шоҳ Умарро,
Ки бе таҷаммули ӯ ҳусни гирудор намонад.

Гудохт тоқати Макнуна аз фироқ худоё,
Фиҷрист қосиди сабре ки ӯ зи кор намонад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоҳ Умарнинг васфини мен қандай адо қилмай, васфининг таҳаммулисиз гиру дорнинг ҳусни қолмайди.

Эй тангри, Макнунанинг тоқати фироқда куйди, бир сабр элчисини юборгинки, у ишдан қолмасин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Даврн тараб расиду замони баҳор шуд,
Даврони базми соқиу дафъи хумор шуд.

Дар шохи сарв нағмаи қумрӣ кашида сар,
Бар рӯи боғ чаҳ-чаҳи булбул ҳазор шуд.

Аз ҷӯши вақт зоҳиди хилватнишин ба май,
Саҷҷода кард дар гараву майгусор шуд.

Дарбар гирифта гулшани саҳро либоси ранг,
Лола чароғ бар кафу гул ҷомдор шуд.

Аз сайри гул чи суд хуш он дил ки ҳамчу ман
Ҳасратпараст ҷилваи оғуши ёр шуд.

Дорад гудози ишқи бутон нашъаи дигар,
Ишрат насиби он ки зи ашк обьёр шуд.

Макнуна ҳарчи дошт зи сабру қарори дил,
Барбод рафтаи ғами он гулъузор шуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Баҳор бўлди, хурсандчилик даври келди, соқийнинг базми ва хуморни дафъ қилиш чоғи келди.

Сарв шохида қумрининг ноласи авжига чиқди, боғ юзида булбулнинг чаҳ-чаҳи кўпайди.

Вақтнинг қайнашидан хилватнишин зоҳидлар ҳам жойнамозни майга гаров қўйиб, майхўр бўлдилар.

Саҳро гулшани рангин либос кийди, лола чироғ кўтариб, гул жом тутувчи бўлди.

Гулнинг сайри саёҳатидан нима фойда, менга ўхшаган ёр оғуши жилвасининг ҳасратпарасти бўлган кўнгил яхши.

Маъшуқалар ишқида куйишнинг бошқача бир нашъаси бор, кўз ёшини кўп тўккан кишига ишрат насиб бўлади.

Макнунанинг дилида сабру қарордан қанча бўлса, у гулъузорнинг ғамидан шамолга кеткандир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳеч кас чун мани бечора муҳаққар нашавад,
Дар раҳи ишқи ту аз хок фурӯтар нашавад.

Гар равам сӯи ҳаво, вар бидавам рӯи замин,
Турфа корест ки васли ту муяссар нашавад.

Ҳеч маъшуқ бамонанди ту набувад некӯ,
Ҳеч ошиқ зи мани сӯхта бадтар нашавад.

Бар ман аз дини муҳаббат агар инаст ситам,
Мубталои хами гесӯи ту кофар нашавад.

Рафт тоқат зи кафу сабр зи дил, ҳуш зи сар,
Чист тадбирам агар васл муқаддар нашавад.

Берухат ҳоли мани зор чи пурсӣ, ки чӣ шуд,
Чист парвона ки аз шамъи мунаввар нашавад.

Ашк беҳуда ба кӯяш мафишон, Макнуна,
Мурғи уммед ба ин дона мусаххар нашавад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳеч ким мен бечорадек хор бўлмасин, ишқинг йўлида тупроқдан паст бўлмасин.

Агар осмонга учсам ёки ерда югурсам ҳам қизиқ ишдирки, васлинг муяссар бўлмайди.

Ҳеч маъшуқ сенга ўхшаган яхши бўлмайди, ҳеч ошиқ мен куйгандан ёмонроқ бўлмайди.

Менга муҳаббат расмидан шундай ситамлар бўлса, зулфинг тузоғига бир кофир ҳам мубтало бўлмасин.

Қўлдан тоқат, дилдан сабр, бошдан ҳуш кетди, васл тақдиримда бўлмаса, мен нима тадбир қилай?

Юзингсиз мени ҳолим нима бўлганлигини сўрайсан? Бу шамъдан мунаввар бўлмайдиган ўша парвонадур.

Эй Макнуна, унинг йўлида кўз ёшларингни беҳуда тўка берма, бу доналар билан умид қуши қўлга кирмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шаб ки бар хотирам он зулфи парешон омад,
Ҳолате рафт ки ҳар мӯй ба афғон омад.

Дӯш дар раҳгузари ёр гузорам афтод,
Ашк фаввора зоду оҳ ба тӯфон омад.

Дар ғами ишқ ба Маҷнун нарасид аз Лайлӣ,
Он чи аз ҳаҷри ту бар ин дили вайрон омад.

Ҳама шаб аз ғами базми ту маро шамъсифат,
Тапишу доғи дили синаи сӯзон омад.

Ман ба хун гирьяму ту хандаи мастона кунӣ,
Мушкили хотири ман хуш ба ту осон омад.

Будам аз васли саги кӯи ту чанде хурсанд,
Оҳ, сад оҳ ки он низ ба ҳиҷрон омад.

Ҳолам аз ҳасрати гесӯи ту дарҳам шуда аст,
Раҳм кун, раҳм ки бисьёр парешон омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Хотиримга у паришон зулф келган кечада менда шундай бир ҳолат пайдо бўлдики, ҳар бир мўй фиғонга келди.

Ўтган кеча ёр йўлагидан ўткан эдим, кўз ёшим фаввора уриб оҳим тўфон бўлди.

Ҳажрингдан бу вайрон кўнгилга келган ҳар нарса ишқ ғамида Лайлидан Мажнунга ҳам келмагандир.

Ҳар кеча базминг ғамидан менга шамъ каби куйиб-ёниш ва типирчилаш келади.

Мен қон йиғлайман, сен мастона куласан, яхшики, хотирим мушкиллиги сенга осон келди.

Кўйинг итларининг васли билан бир қанча вақт хурсанд эдим, оҳ, юз оҳки, у ҳам айрилиққа айланди.

Зулфинг ҳасратидан ҳолим чигаллашиб кетди, раҳм қил, раҳм қил, кўп паришонлик келди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бо кӣ гӯям ғами дил, пеши кӣ нолам зи фалак,
Ҳар чи омад ба ман аз он маҳи хубон омад.

Гар бувад ҳусн ба инсоф чу ман сӯхта нест,
Гарчи саргаштаву ошуфта фаровон омад.

Як табассум зи лаби руҳфизо соз карам,
Чунки Макнуна зи ҳиҷрони ту бо ҷон омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен дилим ғамини кимга айтаман, кимга фалакдан нола қиламан, менга нима келган бўлса, у гўзалларнинг ойидан келди.

Ҳарчанд саргашта ошуфталар кўп келган бўлсалар ҳам, инсоф билан айтганида менчалик куйган одам йўқ.

Руҳафзо лабингдан бир табассум карам қил, чунки айрилиқ Мажнунанинг жонига тегди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳар кучо аз ноз он сарви хиромон мерасад,
Фитна ҷавлон мекунад, ошӯби даврон мерасад.

Бар вафои дилбарон беҳуда бошад эътимод,
Сад ҷафо ҳар лаҳза аз ин бевафоён мерасад.

Аҳди деринро ба пеши ӯ набошад эътибор,
Ҳарчи бар мо мерасад — з-он сустпаймон мерасад.

Ёр, ҳайф аз тира рӯзиҳои мо огоҳ нест,
Кай паёми шом бо хуршеди тобон мерасад?

Ранги берунҷастаро тасхир кардан мушкил аст,
Кай кафи мо боз бо он тарфи домон мерасад.

Аз сӯи дилбар сабо бар кулбаи аҳзони мо
Ҳамчу бӯи домани Юсуф ба Канъон мерасад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қаергаки у сарви хиромон ноз билан етса,
фитна жавлон қилиб, дунёнинг шўри ғавғоси етади.

Дилбарлар вафосига эътимод қилиш беҳуда,
бу бевафолардан ҳар лаҳзада юз жафо етиб туради.

Унинг олдида илгариги ваъдаларнинг эътибори
йўқ, бизга нимаики етса, ўша аҳди суст бевафодан етади.

Афсуски, қаро кунларимиздан ёр огоҳ эмас,
бу шомнинг саломи качон у қуёшга етади?

Сиртга тепиб ёйилиб кетган рангни қайта тасвир
қилмоқ мушкул, қачон бизнинг қўлимиз у этак
томонга етади?

Юсуф этагининг бўйи Каъонга етканидек,
дилбар томонидан келган сабо бизнинг ғамхона
кулбамизга етади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мерасад дар шаҳр аз чашмаш ба ҳоли зори мо,
Ҳарчи аз Лайли ба Маҷнун дар биёбон мерасад.

Кай дар ин гулшан ба булбул мерасад аз доғи гул,
Он чи бар Макнунаат аз доғи ҳиҷрон мерасад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биёбонда Лайлидан Мажнунга ҳар нарса етса,
шаҳарда унинг кўзидан бизнинг ҳоли зоримизга ўша етади.

Макнунага ҳижрон доғидан еткан аламлар,
бу гулшанда гулнинг доғидан булбулга қачон етар эди?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Сиёҳчолин ман ҳеч шоми тор надорад,
Кудурати дили овораам ғубор надорад.

Гудози дарди муҳаббат зиёда бод ба ҷонам,
Чи суд зиндагии он ки доғи ёр надорад.

Ба ғайри сабр илоҷи ҷафои дахр чи созам,
Чунин ки майли вафо табъи рӯзгор надорад.

Магӯ ки ин ҳама фаръёду изтироб чи лозим,
Ки толиби хами зулфи ту ихтиёр надорад.

Ҳавои ишқи ту дар сина дам ба дам шавад афзун,
Дили ситамзада имсоҳ сабри пар надорад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Менинг зиндонимдаги сингари қоронғилик ҳеч қандай қоронғи шомда йўқ, дилим кудурати ҳеч қандай ғуборда йўқ.

Жонимга муҳаббат дардининг куйдириши зиёда бўлсин, ёрнинг доғи бўлмаса, тирикликдан нима фойда.

Жаҳон жафоларига сабрдан бўлак қандай илож қилай, чунки бу жаҳон табиатида вафога майл йўқдир.

Бу фарёду изтиробларнинг нима кераги бор деб айтмагин, чунки жингалак зулфингни талаб қилувчиларда ихтиёр бўлмайди.

Ишқинг ҳаваси кўнглимда дам-бадам кучаяди, лекин ситамзада кўнглимда бу йил, ўткан йилги сабри йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ба ҳасрати ту эи гулгашти рӯзгор малулам,
Чаро ки фарҳати бӯи хушат баҳор надорад.

Ба чашми толеи Макнуна соз ҷилваи лутфе,
Ки бе ту тоқати андӯҳи интизор надорад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳасратингда рўзгор гул сайридан малулман,
чунки ёқимли бўйинг кўнгил очиши баҳорда йўқдир.

Макнуна толеининг кўзига бир лутф жилвасини
кўрсат, чунки сенсиз интизорлик ғамини тортишга
тоқатим йўқдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ошиқи рӯи ту аз ҳар ду ҷаҳон мегузарад,
Ташнаи лаъли ту аз кавну макон мегузарад.

Бе ту бигзашт ба сад ранҷу бало умри азиз,
Тарс дорам, ки кунун низ чунон мегузарад.

Чанд гӯй ки бикун сабр ба андуҳи фироқ,
Талхии ҳаҷри ту аз ҷавшани ҷон мегузарад.

Шаби ҳиҷрони рухаш гарчи надорад поён,
Хун машав дил, ки аз он беш замон мегузарад.

Ӡ-интизори саги дарбони ту умрест маро,
Ҳосили умр ба чашми нигарон мегузарад.

Гар ман аз бими малоли ту набошам хомӯш,
Нолаи зори ман аз гӯши ҷаҳон мегузарад.

Чашми Макнуна кунун бар рухи хастӣ набувад,
Ҳар кӣ дил дод ба дилдор зи ҷон мегузарад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Юзингга ошиқ бўлган киши икки жаҳондан кечади,
лаъл лабинг ташнаси жаҳондан ва борлиқдан кечади.

Сенсиз бу азиз умр юз ранжу бало билан ўтди,
бундан кейин ҳам шундай ўтармикан деб қўрқаман.

Фироқ ғамларига сабр қилгин деб, неча марта
айтасан, ҳажринг аччиғлиғи жон зирҳидан ўтади.

Унинг ҳижрони кечасининг поёни йўқ бўлса-да,
эй дил, кўп қон бўлма, ундан ҳам кўп замон ўтади.

Бир умрдирки, сенинг дарбозабон итинг
интизоридан, умримнинг ҳосили йўлингга
интизорлик билан ўтади.

Агар мен сенинг малолинг ваҳмидан хомуш
бўлмасам, нолаи зорим жаҳоннинг қулоғидан ўтади.

Энди Макнунанинг кўзи борлиқ юзига
қаратилмайди, дилдорга кўнгил берган одам жондан
кечади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Он чи бар ман бечамолат рӯзи ҳичрон меравад,
Кофирам гар аз фаранге бар мусулмон меравад.

Пардаи меҳри рухат ҳаргаҳ ба ёд ояд маро,
Шамъсон бехтиёр ашкам зи мижгон меравад.

Дар дил аз сабру таҳаммул ноларо хун мекунам,
В-арна аз як оҳи ман олам ба тӯфон меравад.

Ман муқими гӯшаи танҳоиям аз бекасӣ,
Дил ба дилдор ошно шуд, ҷон ба ҷонон меравад.

Шаҳр бошад қилвагоҳи ҳусни Лайли талъатон,
Бехабар Маҷнуни мо сӯи биёбон меравад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳижрон кунлари менга жамолингсиз кўп кулфат
келаверади,

агар фарангдан мусулмонга шунча кулфат келади, десам
кофир бўлай.

Юзинг қуёши ёдимга тушганида,
кўз ёшим шамъ каби ихтиёрсиз кипригимдан келади.

Дилда сабру таҳаммул билан нолани қэн қиламан,
агар шундай бўлмаса, оҳимдан оламга тўфон келади.

Дил дилдорга ошно бўлиб кетди, жон жононга,
мен кимсасизлик билан танҳолик гўшасида муқим
бўлиб қолдим.

Шаҳар Лайли талъатлар ҳуснининг жилвагоҳидир,
бизнинг Мажнунимиз (кўнглимиз) ундан бехабар
биёбон томонга кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Боядат, чун соя рафтан аз паяш беихтиёр,
Эй ҷунун, ҳар ҷо ки он сарви хиромон меравад.

Дон яқин, Макнуна, ин олам мақоми айш нест,
Он ки бо чандин ҳавас омад, пушаймон меравад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эй девона, у сарви хиромон қаергаки кетса,
унинг орқасидан соядек ихтиёрсиз кетиш керак.

Эй Макнуна, қатъий билгинки, бу олам айшу ишрат
ўрни эмас, катта орзу-ҳавас билан келган одам
пушаймон бўлиб кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чаман шуд тоза рӯ то фасли гулгашти баҳор омад,
Зи ҳар шохи гуле як сарвқадди гулъузор омад.

Муборакбод наврӯзи тараб, боғи табнатро,
Гули шодӣ шукуфту меваи ишрат ба бор омад.

Кушуд ин бӯстонро шоҳиди гул турраи сунбул,
Бидеҳ, соқӣ, қадаҳ, ҳангоми тағйири хумор омад.

Ба адл оин бубанд, эй боғбон, к-имрӯз гулшанро,
Амири аср, яъне сояи парвардигор омад.

Чаманзори хаёлаш навбаҳори дигаре дорад,
Дил аз худ рафт чандоне ки гулшан дар канор омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чаман юзи тоза бўлди, баҳор гул сайрининг
фасли бошланди, гулнинг ҳар шохидан бир гулюзлик
сарв қомат келди.

Табиат боғига хурсандчилик наврўзи муборак
бўлсин, шодлик гули очилиб, айшу ишрат мевалари
етилди.

Бу бўстонда гул гўзали сунбул зулфини очди,
эй соқий, қадаҳ тут, хуморни тарқатиш вақти келди.

Эй боғбон, инсоф билан гулшанни беза, чунки
бугун, замона амири, яъни тангри сояси келди.

Унинг хаёли чаманзорининг бошқача навбаҳори
бордир, гулшан қучоққа келиши билан дил ўзидан кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шудам нақши қадам, пойбўси он санам гаштам,
Ба роҳаш хоксориҳои ман охир ба кор омад.

Кунун Макнуна фикри ҳашмати иқболи уқбо кун,
Ки даври дастгоҳи салтанат пур бемадор омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мен қадамининг нақши бўлдим, токи у гўзалнинг
оёғини ўпиш муяссар бўлди, унинг йўлида
хоксорликларим охири менинг коримга яради.

Эй Макнуна, энди у дунё ҳашмату иқболининг
фикрини қил, чунки салтанат дастгоҳининг даври
жуда қисқадир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чун дилам аз асари ҳаҷр ҳаросон нашавад?
Мушкили ишқ балоест ки осон нашавад,

Ҳолам аз резиши ашку рухи зард аст аён,
Дарди ушшоқи ҷигарсӯхта пинҳон нашавад.

Ҳар киро орзуи қадди ту бошад дар дил,
Моили тубиу шамшоди гулистон нашавад.

Мақсади дидаи наззора бувад дидани ту,
Оҳ аз он чашм ки бар рӯи ту ҳайрон нашавад.

Ишрати зиндагии дил набувад бе ғами ишқ,
Он, чи умрест ки сарфи раҳи ҷонон нашавад?

Нисбати қадду даҳони ту набошад ба чаман,
Ғунча хандон нашавад, сарв хиромон нашавад.

Сӯз, Макнуна ки дар базми шабистони фироқ,
Ба ҷуз аз шӯълаи оҳи ту чароғон нашавад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дилим нима учун ҳажр асаридан қўрқмасин, ишқ мушкуллари бир балодирки, у осон бўлмайди.

Сариғ юзимнинг ёш тўкишидан ҳолим аёндир, жигарсўхта ошиқларнинг дарди яширин қолмайди.

Ҳар кимнинг дилида қадду қоматинг орзуси бўлса, у жаннат тўбисига, гулистоннинг шамшодига мойил бўлмайди.

Бу кўрар кўзларнинг мақсади сени кўрмоқдир, сенинг юзингга ҳайрон бўлмаган кўзларнинг ҳолига вой!

Дилнинг тириклиги ва ишрати ишқ ғамисиз бўлмайди, жонон йўлига сарф бўлмаган умр — қандай умр!

Чаманда қадду қоматингга ва оғзингга нисбати бўлмаса, ғунча кулмайди, сарв хиромон бўлмайди.

Эй Макнуна, куйгин, фироқ шабистонинг базми оҳинг шуъласидан бошқа нарса билан ёримайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Билуринпанҷа шӯхе теғ бар каф қасди мо дорад,
Ба даст аз ранги хуни ошиқони худ ҳино дорад.

Ҳавои лаъли ӯ бахшид бар ман умри ҷовиде,
Ақиқосо лабаш хосияти оби бақо дорад.

Ду олам фитнаи шӯри қиёматро тамошо кун,
Ки чашми кофири бемораш аз мижгон асо дорад.

Маноз, эй Ҷам, ба тахту тоҷу дайҳими шаҳаншоҳӣ,
Зи каҷкӯли нигун ҳам тоҷи шоҳӣ ҳар гадо дорад.

Наёрад дар назар фақрам бисоти суфу атласро,
Ба паҳлӯ фарши дебое зи нақши бӯрьё дорад.

Зи дуньё бар гузаштан чашм бар дуньё бувад бастан,
Саге афтад ба пушти кас нигоҳе бар қафо дорад.

Куҷо Макнуна гирад миннати куҳлул-ҷавоҳирро,
Ки чашми ӯ зи хоки кӯи ҷонон тӯтиё дорад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Бир биллур панжали дилбар қўлида тиғ билан бизнинг қасдимиздадир, у ўз ошиқлари қонидан қўлига хино истайди.

Унинг лаби ҳаваси менга мангу умр бағишлади, унинг ёқутдек қизил лабида оби ҳаётнинг хосияти бор.

Икки олам фитнаси, қиёмат ғавғосини тамошо қилгинки, унинг бемор кофир кўзларининг киприкдан ҳассаси бор

Эй Жамшид, шаҳаншоҳликнинг тожу тахти билан ғурурланма, тескари осилган качкулидан ҳар бир гадонинг ҳам шоҳлик тожи бор.

Камтарлигим жун ва атлас матоларни назар писанд қилмайди, бўйранинг нақшидан ҳарир (юпқа) либосим бор.

Дунёдан ўтмоқ, дунёга кўз тутмоқдир,
орқасига ит тушган киши, ихтиёрсиз орқага қарайди.

Макнуна жавоҳир сурмасининг миннатини қачон кўтарсинки, унинг кўзида жонон кўчаси тупроғидан сурмаси бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Соқиё, қадаҳ пур кун мавсими баҳор омад,
Аз насими барги гул бӯи васли ёр омад.

Гул шукуфту гулшан шуд, шамъи лола равшан шуд
Гулситон нишиман шуд бода хушгувор омад.

Масти ноз майнӯше, гулфишон бару дӯше,
Лолагун қабопӯше сарви гулъузор омад.

Ғарқи баҳри савдоям, маҳв шуд саропоям,
Шоҳиди таманноям, боз дар канор омад.

То зи чашми муштоқон дур шуд гули рӯят,
Ин ҳадиқа аз шабнам чашми ашкбор омад.

Бе ту, эй гули раъно, дӯш дар чаман рафтам,
Сарвро нигун дидам, гул ба чашм хор омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Эй соқий, баҳор фасли келди, қадаҳларни тўлдир,
баргу гуллар насимидан ёр васлининг ҳиди келди.

Гул очилиб чаман бўлди, лоланинг шамъи равшан
бўлди, гулистон (ишрат) жойи бўлди, шароб ёқимли
бўлди.

Ноз билан маст бир май ичувчининг тану гавдаси гул
тўқувчидир, лола ранг тўн кийган гулюзли бир
сарв келди.

Мен ишқ-муҳаббат дарёсига ғарқман, бошдан
оёғимгача йўқ бўлди, умид-орзуйим гўзали яна
қучоғимга келди.

Гул юзинг муштоқларнинг кўзидан узоқ бўлган
маҳалда, ёш тўкувчи кўзлардан бу боғ шабнамга тўлди.

Эй гули раъно, сенсиз кеча чаманга бордим,
сарвни эгилган кўрдим, гул кўзимга тикан кўринди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дар ҳавои ҷавлонаш гирьяам ба шӯхӣ зад,
Ашк бар сари мижгон тифли найсавор омад.

Дайри ишқ к-андар вай рӯҳ мефизояд май,
Дарди сар надорад май нашъаи хумор омад.

Ҳамчу шамъ Макнуна маҳви доғи ҷонкоҳ аст,
Ҳар киро дар ин маҳфил арзи эътибор омад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг жавлонининг орзусида йиғлашим шўхликка айланди, кипригим учидаги ёш, гўё қамиш от минган боладир.

Ишқ майхонаси шундай майхонадирки, унда май руҳни яшнатади, у майхонадаги май бош оғриқсиздир ва нашъаси ланж қилмайди.

Эй Макнуна, ҳар ким бу мажлисда эътиборлик даъвосини қилса, у шамъга ўхшаган жон койитувчи доғнинг ҳайрони бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Интизорам ки ёр меояд,
Сарви ман дар канор меояд.

Дар раҳаш нақди ҷон фишон, к-имрӯз,
Он бути гулъузор меояд.

Сабзаи хат дамида гирди лабаш,
Боз бӯи баҳор меояд.

Шаҳд заҳр аст дар даҳан бе ӯ,
Гул ба дастам чу хор меояд.

Теғ дар даст баҳри қатли ман,
Масту беихтиёр меояд.

Метапад дил даруни сина, магар
Хабари шаҳриёр меояд.

Гирья кам кун зи ҳаҷр, Макнуна,
Чист ашкат ба кор меояд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёрим келармикин деб интизорман,
у сарвим оғушимга келармикан дейман.

Унинг йўлига жон нақдини тўккин, чунки бугун,
у гулюзлик гўзал келади.

Лаби атрофида сабзалар унибди,
яна баҳорнинг ҳиди келмоқда.

Сенсиз асал оғзимда заҳардир,
гул қўлимда тикандир.

Мени ўлдирмоқ учун қўлида тиғ ушлаб
масту беихтиёр келмоқда.

Кўксимда юрагим питирлайди,
магарам шаҳриёрнинг хабари келадими?

Эй Макнуна, айрилиқдан кўп йиғлама,
кўз ёшинг нимайдики корингга яраса!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Аз назар имрӯз он сарви равонам меравад,
Аз замин то осмон дуди фиғонам меравад.
Зи ҳаҷраш мекунад Макнуна бо чандин забон нола,
Саро сар ҷисми ман дар боғи ҳасрат ҳамчу савсан шуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Хаёлим у рухсор ҳуснидан бир гулзордек бўлди,
ҳайратдан бошдан-оёғимгача товус паридек хирмон
бўлди.

Ғамза аралаш нигоҳи киприкларидан чиқиб келгач,
дилим бодом данагидек игнанинг захмига тўлди.

Қуёшдек рухсорининг шуъласи тушармикан
деган умид билан икки кўзим жоннинг қоронғи уйига
икки туйнук бўлди.

Агар тонг чоғи оламда ёр юзининг қуёши равшан
бўлар экан, гул баргидаги шабнамдек ўзимни тутолмайман.

Севгилигим жаннат гулзорига хиром қилган маҳалда
унинг айрилиғидан ёқам этагимгача чок бўлди.

Ишқ танимни шу қадар куйдирдики, унинг ўтидан
жоним ҳам ўртанди, охир кул бўлдим, жойим гулхан бўлди.

Мажнуна унинг ҳажридан кўп тил билан нола қилади,
бошдан-оёқ жисмим ҳасрат боғида гўё савсан бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Вақти он аст ки ҷон аз паи ҷонон гардад,
Рӯзу шаб дар талабаш бесару сомон гардад.

Дар ҳавои сари он кӯй зияд ҳамчу ғубор,
Ки танаш хоку ҳаво дар тани ӯ ҷон гардад.

Дар раҳи ишқ ғуборе шавад аз заъф, вале
На ғуборе ки ба ҳар бод парешон гардад.

Ҳар ки дар роҳи талаб гум накунад пай, чун Хизр
Кай дилаш бехабар аз чашмаи ҳайвон гардад.

Ҳаст дилро пас аз ин вақти пушаймонӣ, агар
Сухани ман накунад гӯш, пушаймон гардад.

Эй шабу рӯз асири қафаси олами хок,
Дар хаёли ту куҷо равзаи ризвон гардад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шундай вақт келдики, жон жононнинг орқасидан
ахтариб юради, кеча-кундуз унинг талабида боши
айланиб юради.

Бу вужуд у йўлнинг ҳавосида ғуборга айланиб, тани
тупроқ бўлиб, у йўлнинг ҳавоси унга жон бўлади.

Ишқ йўлида заифликдан бир ғубор бўлади, лекин у
ҳар бир шамолдан паришон бўладиган ғубор эмас.

Ҳар ким талаб йўлида адашиб сарсон бўлмаса,
Хизрдек ҳаёт сувидан хабардор бўлади.

Агар шундан кейин кўнгилга пушаймонлик вақти
келадиган бўлса, у менинг сўзимни қулоққа олмаса,
албатта пушаймон бўлади.

Эй, кеча-кундуз тупроқ оламининг қафасига асир
бўлган (киши), сенинг хаёлингда қачон жаннат боғи
бўлсин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гар шавӣ воқиф аз ин гунбази беравзану дар,
Бар дилат тангтар аз гӯшаи зиндон гардад.

Бол бикшову гузар кун ба сӯи олами қудс,
То тамошогаҳи ҷони ту гулистон гардад.

Ҳар кӣ аз хоки раҳи фақр кашад сурмаи чашм,
Хоки пояш зи шараф сурмаи аъён гардад.

Инчунин к-аз чамани васли ту афрӯхт чу гул,
Дили Макнуна сазад рашки гулистон гардад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар сен бу эшик-тешиги йўқ гумбазнинг ҳолидан воқиф бўлсанг, кўнглингга зиндон бурчагидан ҳам торроқ бўлади.

Қанотингни ёз, покиза оламга ўтиб кет, токи жонинг томошагоҳи (ўша) гулистон бўлсин.

Ҳар ким фақр кўйининг тупроғидан кўзига сурма тортса, унинг оёғининг тупроғи шарафдан улуғлар кўзига сурма бўлади.

Макнунанинг дили васлинг чаманидан гул каби шундай ёнар экан, гулистоннинг рашки бўлса арзийди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Агар аз ишқи бутон рахна дар имон бошад,
Кофирам, гар ба ҷаҳон ҳеч мусулмон бошад.

Туй он мардумаки дида ки дар хизмати ту,
Ҳар тараф баста сафе чун сафи мижгон бошад.

Доман аз ҷайб надонам зи ғамат, айб макун,
Агар аз дасти туам чок гиребон бошад.

– Дидаамро ки дар ӯ акси лабат сохта ҷой,
Хотамедон ки нигин лаъли Бадахшон бошад.

Рӯзи ҳиҷрони ту сад гуна ғамам пеш ояд,
К-ош дар ишқ ҳамин як ғами ҳиҷрон бошад.

Чун ки дар бар фиканӣ пираҳани ишваву ноз,
Эй ки, сад ҳамчу манат волау урьён бошад.

Мағриби меҳри ду рухсори ту доман гардад,
Машриқи субҳи ҷамоли ту гиребон бошад...

Бар рухат холи ту чун сояи хуршед бувад
Дар дилам меҳри ту чун Юсуфи зиндон бошад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Агар гўзаллар ишқидан имонга рахна тушадиган бўлса, жаҳонда бир мусулмон бўлса кофирдирман.

Сен шундай кўз қорачиғисанки, сени хизматингда киприк сафидек ҳар томонга саф тортганлар бор.

Сенинг ғамингда этак билан ёқани фарқ қилолмайман, агар сенинг дастингдан ёқам чок бўлса, айб қилма.

Лабинг акси жой тутган кўз, гўё кўзи лаъли Бадахшон бўлган бир узукдир.

Сени ҳажринг кунлари юз хил ғам бошимга келади, шу ғамлардан кошки бири ишқ бошида бўлса.

Нозу карашма кўйлагини кийган чоғингда юзта менга ўхшаган яланғоч гирифторларинг бўлади.

Агар этагинг икки рухсоринг қуёшининг мағриби бўлса, ёқанг жамолинг субҳининг машриқи бўлади.

Юзингдаги холинг қуёш сояси бўлса, дилимда меҳринг зиндондаги Юсуфдек бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ту ки дармони дили реши гирифторонӣ
Ҳар киро дил зи ту реш аст, чи дармон бошад.

Баҳри Макнуна биё ҷамъ намо турраи хеш,
Магузораш ки бад ин навъ парешон бошад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сен гирифторларнинг пораланган кўнгли дармонисан, кимнинг кўнгли сендан пораланган бўлса, унга қандай дармон бўлади?

Макнуна учун кел, тарқалган зулфларингни тўпла, шу хил паришонликда қўйма!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дилам аз лутфи ту нақди дилу дин пайдо кард,
Заррае рифъати хуршеди барин пайдо кард.

Бар дари аршпаноҳат дили саргаштаи ман
Бегумон омаду меъроҷи яқин пайдо кард.

Ҳиммататам Ҳотаму иқбол бувад аз кафи ғайр,
Омад иқболи Сулаймону нигин пайдо кард.

Дили зорам чу чароғи саҳар аз равғани чашм,
Зиндагӣ аз нафаси бозпасин пайдо кард.

Ғашт парвонаи мақсуд аларрағми ҳасуд
То чароғи дили бедорнишин пайдо кард.

Ошиқ аз гиръя ба хоки қадамат ёфт мурод,
Тухми хушнудӣ аз ин обу замин пайдо кард.

Аз хаёли хату холи рухи ӯ Макнуна
Барги райҳону, дигар нофаи Чин пайдо кард.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Кўнглим лутфингдан дилу дин жамғармасини топди,
гўё бир зарра олий қуёш мартабасини топди.

Менинг саргашта кўнглим арш паноҳлик эшигингга
келиб, бегумон яқинлик меърожини топди.

Менинг ҳимматим Ҳотамдир, лекин иқбол бошқалар
қўлида, Сулаймоннинг иқболи келгани учун узукни топди.

Зор кўнглим тонг чироғидек тириклигини кўз ёғи
туфайли сўнгги нафасдан топди.

Ҳасадчи душманнинг эиддига мақсад ва мурод
парвонаси бўлди, токи уйғоқ ўлтирувчи кўнгил ўз
чироғини топди.

Ошиқ йиғлаш билан қадаминг тупроғидан мурод топди,
хурсандлик уруғини шу ер билан сувдан топди.

Макнуна унинг юзи, хат ва холининг хаёлидан райҳон
баргини ва Чин мушкини топди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шукри худо ки дил, ба диёри вафо расид,
В-аз гулшани мурод насиме ба мо расид.

Гумроҳи ташнаҳол ба юмни вуҷуди Хизр,
Аз зулмати фано ба зулоли бақо расид.

Оворае ки сар ба биёбон ниҳода буд,
Аз гарди раҳ ба каъбаи сидқу сафо расид.

Аз ҷаври баргрези ҷафо мурғи бенаво,
Бе барг буд, боз ба баргу наво расид.

Умре гадои ғамзада авроқи сабр хонд,
Охир ба ганҷноман лутфу ато расид.

Ҷўёи гавҳар об шуд, аз бас ки қатра зад,
В-он об қатра-қатра ба баҳри ҳаё расид.

Дил сад ҳазор нақши мухолиф бар об зад,
То оқибат ба соғари гетинамо расид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Худога шукрки, кўнгил вафо диёрига етди, ва мурод гулшанидан бизга бир насим етди.

Бу йўл йўқотган ташна, Хизр вужудининг баракати билан фано зулматидан боқийлик зулолига етди.

Бир овора биёбонга бош қўйган эди, йўл губори билан сидқу сафо каъбасига етди.

Бенаво қуш жафо кузининг жабридан нарсасиз эди, яна у давлат ва жамиятга етди.

Ғамзада гадо бир умр сабр варақларини ўқир эди, охир у лутфу ато ганжномасига етди.

Гавҳар талаб қилувчилар кўп қатра (ёш) тўкканларидан сув бўлишди ва у қатра-қатра сув ҳаё денгизига етди.

Кўнгил юз минг хилма-хил нақшларни сувга солди, охир икки жаҳонни кўрсатувчи жомга етди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҷое ки тоири хирад он ҷо намепарад,
Дар ҳайратам, ки чун дили бе дасту по расид.

Ин қатра чун зи парвариши баҳр шуд гуҳар,
Макнуна чун ба мартабаи кимьё расид?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир жойки, ақл қуши у ерга учиб боролмайди,
ҳайронман, бу қўл-оёқсиз кўнгил қандай борди?

Бу қатра (Макнуна) денгиз парваришидан гавҳар бўлди, чунки Макнуна кимё мартабасига етган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нози ту чашми масти туро нуқли ҷон диҳад,
Лаълат ҳазор хона ба боди забон диҳад.

Ҳар мурғи дил ки чашми сиёҳат кунад асир,
Аввал ба дасти ғамзаи номеҳрубон диҳад.

Болои дилкашат дили мардум барад, вале
Боло барад, ба кокули анбарфишон диҳад.

Чун шакли маҳ дар об чу сурат дар оина
Акси рухат ба қолаби афсурда ҷон диҳад.

Ҳар гаҳ гумон барам, ки лабат мекушад маро,
Ояд яқин ки бӯса ба пои гумон диҳад.

Ҷон медиҳам ба пои ту дар ҷӯйбори умр
Чун боғбон, ки об ба сарви равон диҳад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Маст кўзларингга нозу карашманг жондан газак
беради, лабинг минг уйни тилинг жамолига (оғзинг
ҳоврига) беради.

Қаро кўзларинг ҳар бир кўнгил қушини асир қилса,
ул раҳмсиз ғамзанг қўлига беради.

Дилкаш қоматинг кишилар кўнглини олиб кетади,
лекин юқорига олиб бориб анбарафшон кокилларингга
беради.

Юзингни акси сувдаги ой шаклидек, ёки ойинадаги
сурат каби кексайиб кетган танга жон беради.

Лабинг мени ўлдиради, деб ҳар қачон гумон қиламан,
шу ўлим келса-ю, у гумон оёгини ўпсам, дейман.

Сарви равонга сув берган боғбондек, сени оёғингга
умр ариғидан жон бераман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гар ҷои соя ҷон талаби дар чаман зи сарв,
Дуд аз ниҳоди сарв барояд, равон диҳад.

Гум кард дар саводи бало бахти мудбирам,
Кӯ муқбиле ки роҳи саломат нишон диҳад.

Чун барги гул ба бод диҳам дафтари фироқ
Бошад ки васл бо дили Макнуна ҷон диҳад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Агар сен чаманда сарвдан соя ўрнига жон талаб қилсанг, сарвнинг вужудидан тутун чиқиб дарров жон бағишлайди.

Ўнг қарамаган бахтим бало қора даштида йўл йўқотди, қани у иқболки, саломатлик йўлини кўрсатса.

Фироқ дафтарини гул баргидек шамолга берсам, Макнунага васлдан жон бериш бўлармикан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Баҳри ҷавлон он парӣ ҳар сӯ хиромон меравад,
Бар тамошояш ҷунуне сохта, ҷон меравад.

Аз лаби нӯшини ӯ баҳри табассум мавҷ зад,
Баҳри побӯсаш зи кон лаъли Бадахшон меравад.

То ба дӯши ман расида меҳнати бори фироқ,
Аз дил орому зи пои ҷисм дармон меравад.

Сӯхтам дар оташи ҳиҷрони рухсори нигор,
Хотири ман кай тамошои гулистон меравад.

Аз сабо чун шуд мушавваш турраҳои зулфи ӯ,
Ҳамчу сунбул бӯи фикри дил парешон меравад.

Ҳар ки ҳусни ёр бишинду вале рӯят надид,
Аз ҷаҳон дар орзуи ӯ пушаймон меравад.

Аз фироқи рӯи ӯ Макнунаи мо солҳо,
Ҳамчу оби чашма бо ду чашми гирьён меравад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

У пари жавлон учун ҳар томонга хиромон бўлиб борар экан, унинг томошаси учун жон телбалик қилиб боради.

Унинг ширин лабидан табассум дарёси мавж урса, оёғини ўпиш учун кондан лаъли Бадахшон боради.

Елкамга фироқ меҳнатининг юки тушганда кўнглимдан ором, жисмим оёғидан дармон кетди.

Мен у рухсор ҳижрони ўтида куйганман, хотирим қандай қилиб гулистон томошасига борсин.

Ўрилган зулфини сабо тарқатса, кўнгил фикри сунбул бўйидек паришон бўлади.

Ҳар ким ёрнинг ҳуснини эшитса-ю юзини кўрмаса, унинг орзуси билан жаҳондан пушаймон бўлиб кетади.

Бизнинг Макнунамиз унинг юзи фироқидан йиллар бўйи гўё булоқдек икки гирён кўз билан кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чун дари боғи висолаш бар рухам масдуд шуд,
З-ин сабаб оинаи дилҳо ғуборолуд шуд.

Дар баҳори мавсими гул нест абре бар фалак,
Аз уруҷи оҳи ман олам саро сар дуд шуд.

Баршикастӣ зард рухсори хазонангези ман.
Аз самуми дашти ҳиҷрон сад бало мавҷуд шуд.

Ҳуррамӣ дар васли ӯ дидему ҳиҷрон нест кард,
Дар сиришти тинати мо ончи ҳақ фармуд, шуд.

Сӯхт дил дар ишқу бӯи ӯ ҷаҳонеро гирифт,
То димоғи ҷони аҳли дард атролуд шуд.

Аз суҷуди тоқи абрӯяш касе дорад ибо,
Ҳамчу шайтон аз дари аҳли вафо мардуд шуд.

Бо хаёли ғамзаҳои чашмҳои сурмасо,
Чун ғубор аз дарду ғам Макнунаам нобуд шуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Васл боғининг эшиги юзимизга ёпилгани учун кўнгил ойинаси ғуборлик бўлди.

Гул мавсуми баҳорида осмонни қоплаган булут эмас, оҳимнинг ўрлашидан оламни бошдан-оёқ тутун босди.

Хазон пайдо қилувчи сариғ юзимга шикаст бериш учун ҳижрон даштининг гармселидан юз бало мавжуд бўлди.

Унинг васлидан шоду хуррамлик кўрдик, лекин ҳижрон уни йўқ қилди, яратилишимизда тангри биз учун нима буюрган бўлса, ўша бўлди.

Кўнгил ишқда куйди, унинг ҳиди бир жаҳонни тутди, бу исдан дард аҳли жонининг димоғи муаттар бўлди.

Шайтондек вафо аҳлининг эшигидан ҳайдалган одам, қошининг меҳробига сажда қилишдан гортинади.

Сурмалик кўзлар ғамзаларининг хаёли билан Макнунам дарду ғамдан ғубордек нобуд бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дар манзиле ки ҷилваи рухсори ёр шуд,
Ҷаннат шуду чаман шуду гул шуд, баҳор шуд.

Холу хаташ ба гулшани ҳуснаш ки атр рехт,
Райҳон шуду чу сабза шуду мушкбор шуд.

Чашмам ба роҳи орзӯи нури оразаш,
Ҳайрат шуду нигоҳ шуду интизор шуд.

Ҷисмам зи оташи ғами ҳиҷрони ӯ бисӯхт,
Товус гашту доғ шуду лолазор шуд.

Дил дар фироқи партави хуршеди рӯи ӯ,
Симоб гашту зарра шуду беқарор шуд.

Андар хаёли базми висолаш ду дидаам
Шабнам шуду назора шуду ашкбор шуд.

Дар шишаи дилам чу макон сохт он парӣ,
Макнуна ҳамчу оҳи саҳаргаҳ ғубор шуд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қайси манзилда ёр юзи жилва қилса, у ер жаннат бўлди, чаман бўлди, гул бўлди, баҳор бўлди.

У гўзал ҳусниниг гулзорига холу хати атир тўккан эди, райҳон бўлди, сабза бўлди, мушк ёғдирувчи бўлди.

Кўзим юзи нурининг орзуси йўлида ҳайрат бўлди, нигоҳ бўлди, интизор бўлди.

Вужудим ҳижронининг ғами ўтида куйди, товус бўлди, доғ бўлди, лолазор бўлди.

Кўнгил қуёшдек юзининг партави фироқида симоб бўлди, зарра бўлди, беқарор бўлди.

Висоли базминиг хаёлида икки кўзим шабнам бўлди, термилувчи бўлди, ёш тўкувчи бўлди.

У пари кўнглим шишасида макон тутган маҳалда Макнуна саҳарги оҳдек ғубор бўлди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Таънаҳои фалак ошуфта димоғам дорад,
Субҳ бо чоки дилу шаб ба чароғам дорад.

Лаззати дарди туро умри абад медонад,
Оби ҳайвон хабар аз чашмаи доғам дорад.

Хори пироҳани субҳ аст гули савдояш,
Он ки чоки ҷигар ороиши боғам дорад.

Чун шавад гирья ки садди раҳи тавфиқи ман аст,
Нақши по оинаи роҳи сӯроғам дорад.

Кам сухан дидаму аз кор шудам, Макнуна!
Лаби хомӯши ту саргарми аёғам дорад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фалак таъналари хотиримни паришон қилади, тонг ёқа чоклик билан, тун чироқ билан тутади.

Дардинг лаззатини абадий умр билади, доғларим чашмасидан оби ҳаётнинг хабари бор.

Субҳ кўйлагининг тикани унинг қора гули (туни) бўлганидек, боғим безагини чок бўлган жигар сақлайди.

Тавфиқим йўлига ғов бўлувчи йиғидан нима чиқади, оёғим изи топилишим учун ойинадир.

Кам сўзловчини кўрдиму ишдан қолдим, эй Макнуна, сенинг хомуш лабинг мени маст тутади,

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дил чу хун шуд нози ашки пардадар натвон кашид,
Миннати хушк ин қадар аз чашми тар натвон кашид.

Вусъати ошӯби дилтангӣ надорад рӯзгор,
Ҷуз муҳаббат дар дилам нақши дигар натвон кашид.

Ашки оламсӯзи ошиқ сайди мижгон кай шавад,
Нусхаи ашки маро дар баҳру бар натвон кашид.

Оташ аз оташ тавонад бурд бар дил сӯхтан,
Ришгаи тасхир дар иқди шарар натвон кашид.

Мо куҷо, дасти гиребон пора кардан аз куҷо,
То набошад фурсате оҳ аз ҷигар натвон кашид.

Мегузорам дидаву рози ту мешӯям зи дил,
Ҷуз сафо оинаро нақше дигар натвон кашид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дил қон бўлгач, парда йиртувчи кўз ёшининг нозини тортиб бўлмайди, бунча қуруқ миннатни намлик кўздан тортиб бўлмайди.

Тор кўнгиллик фитна ғавғосининг кенглиги дунёда йўқ, менинг дилимда эса, муҳаббатдан бошқа нарсанинг нақши йўқ.

Ошиқнинг оламсўз кўз ёши киприкка қачон илинсин, кўз ёшим аксини дарё ва қуруғликда тортиб бўлмайди.

Дил куймоқлиғи билан ўтдан ўт олиб кетилади, ўт парчаларини тасхир ипига тизиб бўлмайди.

Биз қаерда-ю, ёқани пора қиладиган қўл қаерда, то бир фурсат бўлмаса, жигардан оҳ тортиб бўлмайди.

Кўз (ёшини) қўйиб юбориб сени сиримгни дилдан ювамаи, ойинага тиниқликдан бошқа нақш тортиб бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шоми мо то ҳашр агар торик бошад беҳтар аст,
Миннат аз ҳамроҳии Хизр саҳар натвон кашид.

Дидаи матлабраво навмедии Макнуна буд,
Даст аз домони оҳи беасар натвон кашид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бизнинг шомимиз қиёматгача қоронғи бўлса яна яхшироқдир, саҳарда Хизр ҳамроҳлигининг миннатини тортолмаймиз.

Матлабни раво қилувчи кўз Макнуна ноумидлигининг сабаби эди, асарсиз бўлса ҳам, оҳ этагидан қўл тортиб бўлмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нигори ман ки хами турраи дуто дорад,
На турра аз ғами дилҳои мубтало дорад.

Сияҳ зи сурмаи бегонагӣ бувад чашмаш,
Лабаш агарчи суханҳои ошно дорад.

Шавад зи чашму лабаш маргу зиндагӣ ҳосил,
Нигоҳи қотилу гуфтори ҷонфизо дорад.

Шудам ғубор зи ҳиҷроии ёр дар талабаш,
Ғубори ман сари ҳамроҳии сабо дорад.

Зи бим дар паяш оҳиста меравам к-он шӯх,
Гумон барад ки магар соя дар қафо дорад.

Чунин ки зоти ҳунарпарвари сухандонат,
Ду гӯши ҳуш ба табъи сухан саро дорад.

Ба сайри киштии Макнуна нест ёрии кас,
Зи нохудо накашад миннат, ӯ худо дорад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Жингалак зулфли нигоримнинг буралган жингалакларда мубтало кўнгилларнинг ғами йўқдир.

Агар лабида ошнолик сўзи бўлса ҳам, унинг кўзлари бегоналик сурмасидан қародир.

Унинг кўзи ва хатидан ўлим ва ҳаёт ҳосилдир,
чунки унинг қотил нигоҳи ва жон бағишловчи сўзлари бор.

Ёр ҳижронидан ғубор бўлдим, ғуборим ёр талабида сабога ҳамроҳдир.

Унинг орқасидан қўрқинч билан секин бораман,
чунки, у гўзал орқадаги соядан ҳам гумонсирайди.

Шундай бир ҳунарпарвар ва сўз билувчи зот сўз отасининг табиатига ҳушёрлик билан икки қулоғини тутади.

Макнунанинг кемада сайр қилиши учун бировнинг ёрлиғи керак эмас, у кемачи (нохудо)нинг миннатини тортмайди, унинг ўз худоси бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Чун бар он рух донаҳои хол зевар мешавад,
Хол-холу, ҳол-ҳусну, ҳусн-ҷавҳар мешавад.

Талхкомонро ба соғар аз лабу дандони ӯ,
Заҳр-шаҳду шаҳд-ширу шир-шаккар мешавад.

Бар раги ҷонам зи сеҳри чашму нози ғамзааш,
Фитна-мӯю мӯй-хору хор-наштар мешавад.

Аз ғами чун рустахезаш бар шаҳидони фироқ,
Субҳ-шому шом-рӯзу рӯз-маҳшар мешавад.

Дар шаби тӯфони хунхорони дарьёи ғамаш,
Гирья-мавҷу мавҷ-баҳру баҳр-соғар мешавад.

Э-эътидоли гулбуни болову нахли дилкашаш,
Соя-сарву сарв-нахлу нахл-пурбар мешавад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Агар ул юзга хол доналари зевар бўлса, хол-ҳол бўлади, ҳол ҳусн бўлади, ҳусн — жавҳар бўлади.

Коми аччиқ бўлганларга унинг лаби ва тиши теккан пиёладан заҳар — бол бўлади, бол — сут бўлади, сут — шакар бўлади.

Жоним томирига кўзининг сеҳридан, ғамзасининг нозидан фитна — қил бўлади, қил — тикан бўлади, тикан — наштар бўлади.

Фироқ шаҳидларига унинг қиёматлик ғамидан субҳ-шом бўлади, шом — кундуз бўлади, кундуз — маҳшар бўлади.

Ғаминнинг дарёси тўфон бўлган кунда унинг қон ютувчиларига йиғи — тўлқин бўлади, тўлқин — денгиз бўлади, денгиз — қадаҳ бўлади.

Гул шоҳидек муътадил қоматининг дилкаш ниҳолидан, соя-сарв бўлади, сарв — ниҳол бўлади, ниҳол — ҳосилга тўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чеҳра рангин карда з-онсон к-аз дами донои даҳр,
Хок-сабза, сабза-лола, лола-аҳмар мешавад.

То бубинад гулшани сарсабзи иқболаш ба чашм,
Абр-жола, жола-наргис, наргис-ахтар мешавад.

Аз нами килки хаёли хастаи Макнунаам,
Ақл-фаҳму фаҳм-табъу табъ-музтар мешавад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юзни қизартиришининг сабаби шуки, дунё доноларининг нафасидан тупроқ сабза бўлади, сабза — лола бўлади, лола — қип-қизил бўлади.

Кўкарган иқболи гулшанини кўрмоқ учун булут — дўл бўлади, дўл — наргис бўлади, наргис — юлдуз бўлади.

Хаста Макнунам хаёли қаламининг намидан ақл-фаҳм бўлади, фаҳм — табъ бўлади, табъ — бечора бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёр аз ҷавлон агар дар боғ қомат мекашад,
Сарв баҳри тӯҳфааш рахти хиҷолат мекашад.

Сӯхт дил дар оташи ёре, надорад чорае!
Ҳар киро дардест, дору бар ҷароҳат мекашад.

То нагардад хам ҳилол осо зи нози абрӯяш,
Заъфи дӯши мо куҷо, бори маломат мекашад.

Ҳар касе махмур шуд аз бодаи бӯси кафаш,
Ҳамчу гул хамьёзаи оҳи надомат мекашад.

Буд Хизр аз чашмаи чоҳи занахдонаш хиҷил,
Хатти ӯ ҳар рӯз аз ӯ оби назокат мекашад.

Гулшани ҳуснаш хиҷолатбахши боғи ҷаннат аст,
Аз намакдони лабаш шӯри қиёмат мекашад.

Сӯхт Макнуна агар дар оташи ҳиҷрон чи бок?
Чун паямбар дар шикам санги қаноат мекашад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ёр жавлон билан боғда қомат кўрсатса, сарв унинг туҳфаси учун хижолат матоини тортади.

Кўнгил бир ёр ўтида куйди-ю, лекин чораси йўқ, ҳар кимда бир жароҳат бўлса унга дори қўяди.

Унинг қошлари нозидан қоматимиз янги ойдек эгилмаса, бу заиф елкамиз маломат юкини қандай кўтара олади.

Ҳар киши у гўзалнинг қўлини ўпиш бодасиға хумор бўлса, гул каби эснаб надоматдан оҳ тортади.

У гўзалнинг хати ҳар куни боғбақасининг чоҳида нозиклик сувини тортиб туради, шунинг учун Хизр ундан хижолатдир.

Унинг ҳусн гулзори жаннат боғини хижолат қилади, жаннат уни татимли лабидан шўри қиёмат тортади.

Макнуна ҳижрон ўтида куйишдан тортинмайди, чунки, у пайғамбардек қорнида қаноат тошини кўтариб юради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нолаи саҳаргоҳам ҳамчу най асар дорад,
Чун нафас тапад ҳар кас гӯши дил агар дорад.

Шаб ки дар хаёли ман ёр мекунад ҷавлон,
Лек ҷон ба тан худро бас ки бехабар дорад.

Меҳри оламафрӯзаш дар ҷаҳони ҳайронӣ,
Шукри ҳаққи бар ҳолам гӯшаи назар дорад.

Нолаҳои дардомез лаззатест дар дилҳо,
Килки мушк афшонам бар забон шакар дорад.

Мепарад ду чашми ман аз насими пайғомаш,
Аз ду ҷумбиши мижгон чунки болу пар дорад.

Ӡ-он баҳор Макнуна гирья муждаҳо дорад,
Нахли бахти ӯ сабз аст ҳар кӣ чашми тар дорад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Саҳар вақтида тортган оҳимнинг найдек таъсири бор, агар дилининг қулоғи бор кишилар бўлса, нафасдек питирламайдилар.

Кечалари ёр хаёлимда жавлон қилади-ю, лекин жоним танда бехабар қолади.

Тангрига шукурки, ҳайронлик жаҳонида оламни ёритувчи унинг меҳру муҳаббати, ҳолимга кўз учида назар қилади.

Дардлик нолалар кўнгиллар лаззатидир, мушк тўкувчи қаламнинг тилида шакари бор.

Унинг саломи насимидан икки кўзим учади, чунки икки саф киприк ҳаракатлари унинг қаноту қуйруқларидир.
Эй Макнуна, у баҳордан йиғламоқнинг хушхабарлари бор, ҳар кимнинг кўзи ёшлик бўлса унинг бахт ниҳоли кўкаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Нашъаи ранги май аз рухсори ҷонон гул кунад,
Чун пари товус бар тан чашми ҳайрон гул кунад.

Бехудам аз бодаи мавҷи табассумҳои ӯ,
Аз лабаш чун соғари лаъли Бадахшон гул кунад.

Гулшани ҳуснаш ки зинатбахши боғи ҷаннат аст,
Аз шамими хатти сабзаш бӯи райҳон гул кунад.

Гар сабо дорад парешон турраҳои зулфро,
Шонаосо аз дилам чоки гиребон гул кунад.

Умр бигузашту газидам аз надомат дастҳо.
Аз кафам то субҳи маҳшар захми дандон гул кунад.

Булбулосо бо хаёли гулшани рухсори ӯ,
Бар лаби Макнунаи мо оҳу афғон гул кунад!

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Май нашъасининг ранги жонон рухсоридан кўринса,
ҳайронлик кўзи танда товус паридек гул бўлиб кўринади.

Унинг лабидан лаъли Бадахшон пиёласи кўринса
табассуми бодасининг тўлқинидан бехуд бўламан.

Ҳуснининг гулзори жаннатга ҳам зийнат
бағишловчидир, кўк сабза хатининг атридан райҳон
ҳиди гуркираб туради.

Агар сабо шамоли унинг кокилларини тарқатса,
кўксимдан тароқдек ёқамнинг чоки кўринади.

Умр ўтиб кетди, надомат ва пушаймондан қўлларимни
шундай тишладимки, қўлимдан тиш захми қиёматгача
кўринади.

Унинг рухсори гулшанининг хаёли билан Макнунамиз
лабидан оҳу афғон кўринади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фиғон ки чархи ҷафопеша бар мани ношод,
Камони ҷавру хаданги ҷафо кашиду кушод.

Ҷаҳон чунин ки дари хушдилӣ ба рӯям баст,
Чи сон ба хотири ғамгин вазад насими мурод.

Замона баҳри ҷафо ёди бедилон орад,
Чи толеъест, ки ҳаргиз нарафтамаш аз ёд.

Сипеҳр бо ҳама дандони ахтарон ҳаргиз,
Гиреҳ зи кори фурӯбастаи касе накушод.

Шафақ ба чарх набошад аҷаб ки нест ғариб,
Агар ба хун бувад олуда домани ҷаллод.

Ҳамон камингаҳи умрест ин ҷаҳон, ки дар ӯ
Фалак рабуд кулоҳи Кайу қабои Қубод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фарёдки, бу жафокор фалак мен ношодга жабр камонини тортиб, жафо ўқини отди.

Жаҳон хурсандлик эшигини юзимга шундай беркитган бўлса, бу ғамгин хотиримга мурод насими қандай эсади?

Замона жафо қилмоқ учун бечораларни эслайди, қандай бахтсизликки, мен ҳеч қачон унинг эсидан чиқмайман.

Фалак шунча юлдузларининг тиши билан ишига басталик тушганларнинг тугунини ҳаргиз ечмади.

Фалакда шафақ бўлмаслиги ажабланарли эмас, жаллоднинг этаги қонга беланиши табиийдир.

Бу жаҳон ўша абадий пистирма жойдирки, унда фалак Кайхисров бошидаги кулоҳини, Кайқубод қабосини олиб кетган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нафас мазан сари худро нигоҳдор, ки нест
Ба ғайри тафриқа мушти ғуборро аз бод.

Ба ҷайби фақр бикаш сар ки баҳри ғардани мо.
Гирифта чархи муонид ба каф каманди инод.

Зи катми ғайб кунад рӯзгор ҳар соат,
Барои хотири Макнуна меҳнате эҷод.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дам урма, ўз бошингни эҳтиёт қил, шамол олдида
бир сиқим тупроққа, учиб кетишдан бошқа нима бўлади.

Бошингни фақру фано ёқасига торт, чунки бизнинг
гарданимиз учун бу душман фалак душманлик
камандини қўлига олиб турибди.

Бу жаҳон, ғайб пардасидан ҳар соат Макнунанинг
хотири учун бир меҳнат ижод қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Боз насими чамани ҷон расид,
Бӯи гули равзаи ризвон расид.

Ғунчаи гулзори мурувват шукуфт,
Роиҳаи гулшани ҷонон расид.

Рӯзи дилафрӯзи висоли ҳабиб,
Баҳри заволи шаби ҳиҷрон расид.

Ҳамраҳи бод аз сари бозори Миср,
Бӯи хуши Юсуфи Канъон расид.

Соқии паймонаи базми мурод,
Бори дигар бар сари паймон расид.

Хомаи уммед забон тез кард,
Номаи мақсуд ба поён расид.

Аз дами ҷонбахши Масиҳодаме,
Дарди дили хаста ба дармон расид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Яна жон гулзорининг насими етди, жаннат гулининг ҳиди етди.

Мурувват гулзорининг ғунчаси очилди, жонон гулшанининг хушбўй шабадаси келди.

Ҳабиб висолининг кўнгил ёритувчи кундузи, ҳижрон тунини суриб йўқотиш учун келди.

Миср бозори томондан шамол билан бирга, Канъон Юсуфининг хушбўй ҳиди келди.

Мурод базми косасининг соқийси яна бир карра аҳду паймон бошига келди.

Умид қалами тилини ўткир қилди, мақсад номаси охирга етди.

Бир Исо нафаснинг жонбахш дамидан хаста кўнгилнинг дарди шифо топди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аз асари ҳаҷри гули рӯи ёр,
Хори ғами даҳр ба домон расид.

Ҳар шабе лабташнаи Макнунаро,
Ҷон ба лаб аз меҳнати даврон расид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёрнинг гулдек юзи ҳажри асаридан замона ғамининг тикани этакка етди.

Ҳар кеча лаб ташна бўлган Макнунанинг жони давр меҳнатидан лабига етди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Куҷо шуд он ки гули базми ҷуръахорон буд,
Чу бахт мушфиқи баргашта рӯзгорон буд.

Ба холу хат рақами мурда зинда кардан дошт,
Ба ҳусн оби рухи ҷумла гулъузорон буд.

Куҷо шуд он маҳи равшан ки дар хазонаи чарх,
Ҷамоли ӯ гуҳари тоҷи шаҳриёрон буд.

Асири ҳалқаи доми ҳалок шуд шере,
Ки рӯзи маърака сарҳалқаи саворон буд.

Ба хоки тира чаро рехт аз насими аҷал,
Гуле ки чашму чароғи умедворон буд.

Чаро ба боди фано рафт тоҷи ӯ чу ҳубоб,
На оқибат сару сардори тоҷдорон буд.

Зи оби дидаи Макнуна дар малол мабош,
Бувад таровати гул чун ҳуҷуми борон буд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Майхўрлар базмининг гули ва бахтсизларнинг гўё шафқатли бахти бўлган у жонон қаерда қолди.

Унинг холу хатида мурдаларни тиритириш рақами бор, ҳусн жиҳатдан ҳамма гулюзликларнинг обрўйи эди.

Жамоли шоҳлар тожининг жавҳари бўлган у фалак хазинасининг ойи қаерда қолди?

Жанг майдонида суворилар сардори бўлган бир шер ҳалокат домига асир бўлди.

У умидворларнинг кўзи ва чароғи бўлган гул ажал насимидан қаро тупроққа нега тўкилди?

Тождорларнинг бошлиғи ва сардорнинг тожи сув устидаги қуббачадек, нега фано жамолига учиб кетди?

Макнунанинг кўз ёши малол келмасин, ёмғур кўп ёғса, гул яшнайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дар ин ҳолат саҳоб аз чашми гавҳарбор мегирьяд,
Хизр бар чашмасору чашма бар кӯҳсор мегирьяд.

Зи фарти номуродӣ анҷуму афлок менолад,
Зи айни ноумедӣ собиту сайёр мегирьяд.

Дар ин фурқат зи ҳар сӯ бар рухи садпора аз нохун,
Сияҳчашме чу абри тира бар гулзор мегирьяд.

На танҳо халқ оби дида, гирьяд мурғу моҳӣ ҳам,
Касе к-ӯ чашм дорад, дар даме садбор мегирьяд.

Баҳор омад на ҷӯши оби борони баҳор аст ин,
Замину осмон бар шоҳи зумиқдор мегирьяд.

Ба ёди рӯи гулранги ту ин Макнунаи бехуд,
Ба ҳангоми саҳар чун андалеби зор мегирьяд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Шу ҳолатда булут ғавҳар тўкувчи кўзидан
йиғлаб турибди, Хизр чашмада йиғлайди, чашма
тоғларда йиғлайди.

Номуродлик ғалабасидан юлдузлар, фалаклар
йиғлайди, айни ноумидликдан собиту, ҳаракатсиз
юлдузлар, сайёралар ва ҳаракатдаги юлдузлар, йиғлайди.

Қора булут гулзорга кўз ёшларини тўкканидек,
қора кўзлар тирноқдан пораланган қизил юзларга ёш
тўкмоқда.

Кўз ёшини тўкаётган фақат халқ эмас, балки қушлар,
балиқлар ҳам йиғлайди, ҳар кимнинг кўзи бўлса, бир
онда юз марта йиғлайди.

Баҳор келди, ариқларда жўш уриб оқаётган сув баҳор
ёмғиридан эмас, еру осмон қадрли шоҳга йиғлайдилар.

Бу беҳуд Макнуна гул рангли юзинг ёдида саҳар
чоғлари булбулдек зор йиғлайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳеч медонӣ, ки, боз ин гардиши ахтар чи кард?
Ҳеч медонӣ, ки, даври чархи дунпарвар чи кард?

Ҳеч медонӣ, ки ин бадсирату ҳақношинос,
Дар ҳақи султони нури чашму тоҷи сар чи кард?

Ҳеч медонӣ, ки ин нодони донишмандкуш,
Аз ҳасад бо ҷони донишманди баҳру бар чи кард?

Ҳеч медонӣ, ки, ин каҷбози муставлинавоз,
Аз каҷи бо ҳазрати шоҳи накӯ маҳзар чи кард?

Ҳеч медонӣ, ки ин ҳиндуи бозигар чи бохт?
Ҳеч медонӣ, ки ин бадхӯ-ю бадгавҳар чи кард?

Дод нақди умри донишманди оламро ба бод,
Ҳолати Макнунаро ҷуз оҳу чашми тар чи кард?

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Ҳеч биласанмики, бу юлдузларнинг юриши нима қилди?
Ҳеч биласанмики, тубанларни тарбияловчи фалак нима қилди?

Ҳеч биласанмики, ҳақни танимайдиган зоти паст нима қилди? Бу кўзнинг нури, бошнинг тожи бўлган султоннинг ҳақида нима қилди?

Ҳеч биласанмики, бу донишмандларни ўлдирувчи нодон, ҳасаддан жаҳон донишмандининг жонига нима қилди?

Ҳеч биласанми, бу тескари ўйновчи, истилочини тарбияловчи (ўзининг) тескарилигидан бизнинг неку маҳзар[1] шоҳимизга нима қилди?

Ҳеч биласанмики, бу найрангбоз ҳинди қандай ўйнади? Ҳеч биласанмики, бадҳўй, зоти паст нима қилди?

Жаҳон донишмандининг умрини елга берди, Макнунанинг ҳолатини оҳ уриш, йиғлашдан бошқа нима қилди?

---

[1] Неку маҳзар — йўқ одамни яхшилик билан ёд қилувчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Он ки нури шамъи хилватхонаи идрок буд,
Нури мутлақ буду не дар қайди обу хок буд.

Зоти бетимсолаш аз номи маосӣ нанг дошт,
Домани мастураш аз гарди маноҳӣ пок буд.

Бо гудозад шахси бетоби муориз ҳамчу мум,
Дар маҷоли фаҳм то анфоси оташнок буд.

Хонда буд аз бар ҳакиме раъяш аз рӯзи нахуст,
Ҳар рақам к-аз неку бад бар сафҳаи афлок буд.

Дар шикори сайди маъни фориси идроки ӯ,
Мурғи заррин боли ақлаш баста бар фитрок буд.

То баҳори зиндагонӣ ҳаст ин ҷо ҳамчу гул,
Хастаи Макнуна аз ҳаҷраш гиребончок буд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Идрок хилватхонаси шамъининг нури бўлган у зот,
ёлғиз нурдангина иборат эди, сув ва тупроқнинг
қайдида эмас эди.

Унинг мисласиз зоти гуноҳнинг номидан ҳам номус
қилар эди, покиза этаги гуноҳлар чангидан пок эди.

Нотўғри эътирозли кишиларни мумдек эритмоқ учун
фаҳм мажолида оташ нафас эди.

Унинг раъйи ҳакими азалдан фалаклар сафҳасига
ёзилган ҳар бир яхши-ёмон рақамни ёддан ўқиган эди.

Унинг ақлу идрокининг сувориси олтин қанотлик ақл
қарчиғайи билан маъно овини отининг қанжирғасига
боғлар эди.

Бу ерда то тириклик баҳори бор экан, хаста
Макнуна унинг ҳажридан гулдек ёқаси чокдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Пок домоне ки чун руҳи равон покиза буд,
Домани покаш чу гулбарги ҷинон покиза буд.

Шамъи рухсораш ки буд аз шарм дар айни арақ,
Ҳамчу нури дидаи гавҳарфишон покиза буд.

Зоти беайбаш ки азми ҷаннати ҷовид кард,
Ҷону тан ҳамчун биҳишти ҷовидон покиза буд.

Дида буд андомаш аз хони латофат парвариш,
Ҷисми пожаш то ба мағзи устухон покиза буд.

Ҳамчу зар дар хок пинҳон кард чархи мумсикаш,
Бо тани симин ки ҳамчун нақди ҷон покиза буд.

Ҷони улвӣ-гӯшаи домони он покиза дошт,
Руҳи қудсӣ булбули бӯстони он покиза буд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

У худди жондек покиза эди бир пок доманки, унинг пок этаги жаннат гулининг баргидек покиза эди.

Унинг шарму ҳаёдан терлаган юзининг шамъи гўё гавҳар тўкувчи кўз нуридек покиза эди.

Унинг беайб зоти абадий жаннатга азм қилди, унинг жону тани ўша доимий жаннатга ўхшаган покиза эди.

Унинг бадани латофат дастурхонидан парвариш кўрган эди, пок жисми то устухон мағизларигача покиза эди.

Бу бахил чарх уни олтиндек ерга кўмди, унинг кумуш бадани гўё жондек покиза эди.

Олий руҳ у покиза этагининг бир гўшасига жойланган, муқаддас руҳ у покиза бўстоннинг булбули эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қисса кӯтаҳ чун маҳу хуршед олоиш надошт
Рӯзу шаб, алқисса пайдову ниҳон покиза буд.

Чанд рӯзе шуд ки дар ҳиҷрони он султони ҳусн,
Дар дили Макнуна фарьёду фиғон покиза буд.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўзни мухтасар қилиб айтганда (у) ою қуёш каби аралашмалардан пок эди. Кеча ва кундуз унинг зоҳири ҳам ботини ҳам (ичи ва тоши) покиза эди.

Бир неча кунлардирки, у ҳусн султонининг ҳижронида Макнунанинг кўнглида покиза фарёду фиғондир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фиғон к-айём иқди гавҳари мақсуд барҳам зад,
Ба боди нестӣ дарьёи ҳастӣ зуд барҳам зад.

Дигар з-ин хокдон бархост боде к-аз самуми он,
Аторуд сӯхт дафтар, Зуҳра чангу уд барҳам зад.

Пас аз умре, ки бахти халқро шуд вақти бедорӣ,
Нигоҳе карду дар дам чашми хоболуд барҳам зад.

Фалак бурд аз самуми қаҳр оби гулшани олам,
Гулистони Халил, аз оташи Намруд барҳам зад.

Замон ранги дигар гардид, ҳоли оламе бад шуд,
Сипеҳр ангехт шӯре, олами беҳбуд барҳам зад.

Қазо султони оламро ба зери хок пинҳон кард,
Аз ин Макнунаи мискин зиёну суд барҳам зад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Фарёдки, давр мақсуд гавҳарининг шодасини барҳам берди, борлиқ дарёси йўқлик шамоли билан тез нобуд бўлди.

Яна бу дунёдан бир гармсел шамоли турди, ундан Уторуд дафтарини куйдирди, Зуҳра чанг ва удини барҳам урди.

Бир умр ўтиб, эндигина халқ бахти уйғонган эди, шундай қаради-ю, ўша он уйқулик кўзини яна юмди.

Фалак қаҳру ғазаб гармселидан олам гулшанининг сувини олиб кетди. Халил[1] гулистон Намруд[2] ўти билан барҳам еди.

Замон бошқа бир рангга айланди, оламнинг ҳоли ёмон бўлди, фалак шўру ғавғо кўтарди, яхшилик олами барҳам топди.

Қазо олам султонини тупроқ остига яширди, шу билан мискин Макнуна фойда-зиённи барҳам урди.

---

[1] Халил — Иброҳим пайғамбар.

[2] Намруд — Миср шоҳларидан, Иброҳим пайғамбарни ўтда ёндирган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

То бакай дида зи бедоди ту гирьён бошад,
Ҳоли ман чун сари зулфи ту парешон бошад?

Дӯшам аз ҳайрати дурӣ, мижа барҳам нарасид,
Эй хуш он дида, ки бар рӯи ту ҳайрон бошад.

Бозуи сабр ба як сӯ наниҳад бори фироқ,
То магар васли ту, ҳампанҷаи ҳиҷрон бошад.

Тавқу зиндон ба дуо металабанд аҳли ниёз,
Агар ин ғабғабу чоҳи занахдон бошад.

Ҳолати зистану мурдани кас андак нест,
Турфа ин аст ки дар пеши ту яксон бошад.

Дасти қудрат ба рухи номия зевар бандад,
Қалами сунъ дар ороиши бӯстон бошад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Қачонгача зулмингдан кўзлар гирён, ҳолим
зулфингдек паришон бўлади?

Ўтган куннинг узоқлик ҳайратидан киприк қоқмадим,
сенинг юзингга термилиб ҳайрон бўлган қандай
бахтли кўз.

Токи васлинг ҳижрон билан жанг қилмагунча, сабр
билаги фироқ юзини бир томонга олиб ташлай олмайди.

Агар шу томоғинг ва энгаҳинг остидаги чуқурчанг
бўлса, ниёз аҳллари зиндон тавқини дуо ўқиб талаб
қиладилар.

Кишининг ўлиш ва тирилиш ҳолати осон иш эмас,
шуниси қизиқдирки, сенинг олдингда иккаласи бирдир.

Қудрат қўли номия[1] юзига зевар боғлайди, сунъ
қалами бўстоннинг оройишида бўлади.

[1] Номия — униб турадиган нарсалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Дар фазои чаман аз баҳри қудумат ҳар субҳ,
Бодро ғӯи зар андар хами чавгон бошад.

Чун дили ман зи хаёли ғами тири мижаат,
Ғунча машғули ҷигар хӯрдани пинҳон бошад.

Хаста Макнуна ба кулфат гузаронид басе,
Ки ҳанӯзаш асари гирья ба домон бошад.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар тонг чаман саҳнида сенинг пойи қадаминг учун шамолнинг олтин коптоги чавгон эгмасида бўлади.

Менинг дилимга ўхшаган кипригинг хаёлини ўқларидан ғунча махфий қон ютиш билан шуғулланади.

Хаста Макнуна кўп замонларни кулфат билан ўтказди, ҳанузгача унинг этагида йиғининг асари бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Дар боғи навбаҳор чу он дилрабо расид,
Чандин ҳазор замзамаи қонфизо расид.

Чун дар чаман даромада баҳри қудуми ӯ,
Наргис қудову сабза қудо, гул қудо расид.

Аз чашми ӯ чароғи дилу дида нур ёфт,
В-аз хатти ӯ ба оинаи қон қило расид.

Зебо рухаш ки аз чамани боғи қаннат аст,
Дилкаш бувад, к-аз он чамани дилкушо расид.

Макнуна сӯхт аз алами оташи фироқ,
Маҳрум шуд зи гулшани васлу қафо расид.

www.ziyouz.com kutubxonasi

* * *

Навбаҳор боғига ул дилрабо келганда, неча минг жон боғишловчи овозлар етади.

У чаманга кирган эди, унинг пойи қадами учун наргис алоҳида, сабза алоҳида, гул алоҳида келиб етди.

Унинг кўзидан кўнгил ва кўзнинг чироғи нур топди ва хатидан жон ойинасига жило етди.

Унинг чиройлик юзи жаннат боғининг чаманидан дилкашдир, чунки у ўша дилкушо чаман (жаннат)дан етди.

Макнуна фироқ ўтининг аламидан куйди, у васл гулшанидан маҳрум бўлди, унга жафо етди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рассом *М. Я. Шчировский*. Расмлар редактори *В. Соколов*.
Техн. редактор *А. Ильина*. Корректор *С. Тохиров*

Босмахонага берилди 3/IV-1967 й. Босишга рухсат этилди 9/II-68 й. Формати 70×108¹/₃₂. Босма. л. 15,25. Шартли босма л. 21,35. Нашр л. 8,52(9,13 форзац) Тиражи 25000. Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 5—66. Баҳоси 69 т.

Узбекистон ССР Министрлар Советининг Матбуот Давлат Комитетининг Тошкент полиграфкомбинатида тайёрланган. Матрицадан 2-босмахонада № 1 қоғозга босилди. Янгийўл, Чехов кўчаси, 3. 1971. Заказ 14.

Набрано на Ташкентском полиграфкомбинате Государственного комитета Совета Министров УзССР по печати, отпечатано в типографии № 2, г. Янгиюль, ул. Чехова, 3.

www.ziyouz.com kutubxonasi